2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 87 (609), 2022 йил 2 май, душанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА РАМАЗОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошлар!

Аввало, сиз, азизларни, юртимиздаги барча мўмин-мусулмонларни, бутун халқимизни муборак Рамазон ҳайити — Ийд ал-Фитр билан чин қалбимдан самимий табриклаб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Қалбларимиз қувончга ва эзгу ниятларга тўлган ушбу саодатли ва мунаввар дамларда аввало шундай табаррук кунларга етказгани, байрамни тинч ва осуда муҳитда, оиламиз, эл-юртимиз билан ҳамжиҳатликда кутиб олаётганимиз учун Яратганга чексиз шукроналар айтамиз.

Халқимиз асрлар давомида буюк диний қадрият, саховат ва меҳр-оқибат рамзи сифатида эъзозлаб келаётган бу улуғ айём кейинги пайтда ижтимоий ҳаётимизда янада мустаҳкам ўрин эгаллаб бораётгани албатта барчамизни хурсанд қилади.

Айниқса, бу йилги Рамазон байрами **“Инсон қадри ва манфаатлари учун”** деган олижаноб ғояни ўзида мужассам этган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида кенг кўламли ислоҳотларимиз янада юксак босқичга кўтарилаётган тарихий шароитда ўтаётгани унинг файзи ва шукуҳини кескин оширмоқда.

Чиндан ҳам, дунё аҳлини ўзаро дўст ва биродар бўлиб, тотувлик ва ҳамкорликда яшашга даъват этадиган Рамазон ҳайити инсон қадрини улуғлашнинг ёрқин намунаси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ҳеч шубҳасиз, биз инсон қадрини унинг диний соҳадаги ҳуқуқ ва манфаатлари билан узвий боғлиқ ҳолда кўрамиз. Шунинг учун сўнгги йилларда мамлакатимизда диний қадриятларимизни тиклаш, бебаҳо илмий-маънавий меросимизни ўрганиш ва тарғиб этиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Бухорода — етти улуғ пир, Сурхондарёда — Имом Термизий зиёратгоҳлари, Қашқадарёда — Абу Муин Насафий, Тошкент вилоятида — Занги ота, Наманганда — Султон Увайс Қараний, Тошкент шаҳрида — Сузук ота ёдгорлик мажмуаси каби мўътабар масканлар ҳар томонлама обод қилингани бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Ҳозирги кунда ана шу хайрли амалларимизнинг мантиқий давоми сифатида Бухорода — Мир Араб олий мадрасаси, Самарқандда — Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси ҳамда Тошкент шаҳрида — Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида кенг кўламли қурилиш ва бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда.

Муҳтарам юртдошлар!

Маълумки, дунё бўйлаб тарқалган коронавирус пандемияси туфайли муборак Ҳаж ва Умра амалларини адо этиш учун баъзи чекловлар киритилган эди. Қандай оғир бўлишига қарамай, жорий йилнинг январь ойидан бошлаб фуқароларимизнинг Умра зиёратига боришларини қайта йўлга қўйдик ва қисқа вақт ичида 35 мингга яқин юртдошларимиз қулай шароитларда орзиқиб кутилган бундай эзгу амалларини бажариш имкониятига эга бўлди.

Яна бир хурсандчилик — бу йил муборак Ҳаж ибодатини амалга ошириш учун имконият пайдо бўлганини сиз, азизларга етказишдан ғоят мамнунман. Бу — синовли кунларда сабр-тоқат ва матонат билан барча қийинчиликларни енгиб ўтган ватандошларимиз учун Аллоҳ таолонинг яна бир марҳамати, десак, тўғри бўлади.

Ҳурматли дўстлар!

Ҳозирги пайтда дунёдаги вазият қандай шиддат билан ўзгариб бораётганини барчамиз кўриб-билиб турибмиз. Айрим минтақалардаги можаролар тез аланга олиб, тинчлик ва хавфсизликка жиддий таҳдид туғдирмоқда. Буларнинг барчаси олдимизга муҳим вазифаларни қўйиб, доимо ҳушёр ва огоҳ, замон билан ҳамнафас бўлиб яшашни тақозо этмоқда.

Муқаддас динимиз ҳам чин мусулмон одам ҳар қандай синов ва муаммога ҳамиша тайёр туриши зарурлигини, пок ният, эзгу амаллар билан яшайдиган бандаларга албатта юксак ажру мукофотлар ато этилишини уқтириб келади.

Шу маънода, юртимизда барқарорликни таъминлаш, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, қадимий ва ўлмас қадриятларга таянган ҳолда тараққиёт сари жадал одимлаш — давр талабидир.

Ана шундай аниқ мақсадларни кўзлаб, доимо олдинга интилган тақдирдагина биз бугун — кечагидан, эртага — бугунгидан кўра катта ютуқларга эришмоғимиз, обод ва фаровон ҳаёт кечирмоғимиз мумкин бўлади.

Барчамизнинг умидимиз ва таянчимиз бўлган ёшларимизнинг қалби ва онгида ана шу муҳим фазилатларни уйғунлаштириб, уларни жаҳон майдонида рақобатбардош етук авлод этиб тарбиялашимиз шарт.

Ҳеч қачон унутмайлик, дунёдаги ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган энг катта бойлик бу — билим ва тарбиядир.

Бу борада бой миллий анъаналаримиз асосида шаклланган ўзбекона тарбия билан бирга бизга яқин дўст ва хайрихоҳ бўлган давлатлардаги илғор ҳамда замонавий таълим тажрибаларидан оқилона фойдаланса, кўзлаган улуғ мақсадларимизга албатта етамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, дунёнинг узоқ ва яқин мамлакатларидаги барча мусулмонларни Рамазон ҳайити билан самимий табриклаб, уларга тинчлик, бардавом тараққиёт ва равнақ тилаймиз.

Азиз ватандошлар!

Ушбу муборак кунларни хонадон ва маҳаллаларда, шаҳар ва қишлоқларимизда мазмунли ва кўтаринки кайфиятда ўтказиш учун Рамазон ҳайити муносабати билан юртимизда дам олиш кунлари эълон қилинганидан хабарингиз бор.

Ўйлайманки, бундай қулай шароит байрамнинг файзу тароватини, қадр-қимматини янада оширади. Бинобарин, ушбу ҳордиқ кунлари — мўътабар ота-оналарни зиёрат қилиш, беморлар ва муҳтожлар ҳолидан хабар олиш, яқинлар билан дийдор кўришиш учун яхши имкониятдир.

Ишончим комил, жамиятимизда ижтимоий-маънавий муҳитни янада яхшилаш, ҳар бир инсоннинг, аввало, ёшларнинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашишга қаратилган инсонпарварлик руҳидаги ишларимизнинг аҳамиятини халқимиз албатта яхши тушунади ва уларни амалга оширишда фаол иштирок этади.

Муҳтарам юртдошларим!

Сизларни, бутун халқимизни мамлакатимизда кенг нишонланаётган муборак Рамазон ҳайити билан яна бир бор чин юракдан қутлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, оилаларингизга хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Байрам шукуҳидан қалбларимиз янада нурафшон бўлсин!

Она юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кўлами теран, аҳамияти юксак ислоҳотлар халқимизнинг тинч ва фаровон ҳаётини таъминлаш, инсон қадрини улуғлаш, фуқаролар учун виждон эркинлиги ҳуқуқини тўлиқ кафолатлашнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Юртимиздаги барча мўмин-мусулмонлар муборак Рамазон ойини бу йил ҳам яратилган қулайлик ва имкониятлардан самарали фойдаланиб, тинч ва осуда ҳаётнинг қадрига етиш ҳамда унга шукрона келтириш кайфиятида ўтказдилар.

Халқимиз учун эзгулик ва мурувват, руҳий покланиш ойи ҳисобланган ушбу қутлуғ кунларда уламолар, имом-хатиблар, муҳтарам фахрийлар, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари томонидан жойларда 20 мингдан зиёд маънавий-маърифий тадбирлар амалга оширилди. Айниқса, саховат тадбирлари доирасида 100 мингдан ортиқ кам таъминланган хонадонлар ҳолидан хабар олиниб, уларга ижтимоий ёрдам ва кўмак кўрсатилди. Бу эса юртдошларимизнинг ҳаётдан рози бўлиб яшаши ҳамда Рамазон ҳайити байрами шукуҳининг янада ошишига хизмат қилмоқда.

Муборак Рамазон ҳайити моҳиятида мужассам бўлган хайру саховат, меҳр-оқибат, инсонпарварлик сингари азалий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш ҳамда кенг тарғиб этиш, халқимизнинг эзгу ният ва орзу-интилишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Жорий йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни **2 май — душанба** кунига тўғри келиши тўғрисида Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгаши томонидан қабул қилинган қарорни инобатга олиб, мамлакатимизда 2022 йил **2 май** куни Рамазон ҳайити байрами сифатида кенг нишонлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 декабрдаги “2022 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида”ги ПФ-35-сон Фармонига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги ПФ-131-сон фармони билан 2022 йил 3-4 май кунлари қўшимча дам олиш кунлари сифатида белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Рамазон ҳайити халқимизнинг миллий ва диний анъаналарига мос равишда ўтказилиши учун тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

Туризм ва маданий мерос вазирлиги Транспорт вазирлиги билан биргаликда юртдошларимиз учун муборак Рамазон ҳайити кунларида мўътабар зиёратгоҳлар ва тарихий қадамжоларга зиёратларини ташкил этиш мақсадида қулай шароит ва имкониятлар яратсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси М.М.Камилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 30 апрель

МУНОСАБАТ

Ийд ал-Фитр – РАМАЗОН ҲАЙИТИ МУБОРАК БЎЛСИН!

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

Рамазон ойининг рўзасини бандаларига фарз қилган Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин!

Рамазон ойининг тунларида бедор бўлишни умматига суннат қилган Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга саловоту саломлар бўлсин!

Аллоҳнинг раҳмат-мағфирати ёғиладиган, ажру мукофот бериладиган ва хурсандчилик айёми бўлган **Ийд ал-Фитр — Рамазон ҳайити билан Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва ўз номимдан самимий муборакбод этаман.**

Аллоҳ таолонинг амрини адо этиб, тақво неъматини қўлга киритган, Расул алайҳиссаломнинг суннатига эргашиб, имон ила, савоб умидида рўза тутган мўмин-мусулмонларга **жаннатнинг Райён дарвозасидан кириш бахти насиб этсин!**

Шундай файзли кунларга етказгани учун Ҳақ таолога шукроналар айтамиз. **Қодир Аллоҳдан халқимизга қут-барака, бахту саодат ва тинчлик-офият беришини сўраб дуолар қиламиз.**

Рамазон ойида бутун дунёга Аллоҳ таолонинг раҳмати ёғилди. Мўмин-мусулмонлар субҳидамда саҳарлик дастурхони атрофида ибодатга киришдилар. Файзли оқшомларда эса ифторлик қилиб, қалб роҳати — таровиҳ намозини адо этдилар.

Ҳақ таолога шукрки, сўнгги йилларда Президентимиз ташаббуси билан диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган **ислоҳотлар, янгидан очилаётган масжид-мадрасалар, қайта чирой очаётган қадамжолар мўмин-мусулмонларни чексиз мамнун этмоқда.**

Ҳар йили Рамазон ойи ҳамда икки ҳайит байрамлари арафасида давлатимиз раҳбарининг **қарори қабул қилиниши динимизга қаратилаётган эътиборнинг амалдаги бир инъикосидир.** Айниқса, бу айём кунлари **дам олиш кунларининг кўпайтириб** берилаётгани ҳар бир мўмин-мусулмонни яна ҳам хурсанд қилиб, айёмни муносиб тарзда ўтказишга хизмат қилмоқда.

Яна бир муҳим воқелик — улуғ айём кунлари Президентимиз **Ислом цивилизацияси маркази қурилиш майдонига ташриф буюриб, маънавий қудратимиз тимсоли бўлган ушбу муаззам мажмуа фаолиятини йўлга қўйиш** бўйича қимматли маслаҳатлар берди. Бу ерда юртимиз уламоларининг ислом цивилизацияси ривожига қўшган буюк ҳиссаси яққол ифода этилади. **Имом-хатибларимиз мана шундай бетакрор масканда малака оширади.**

Давоми 2-бетда

БАҒРИКЕНГЛИК

Кечиримлилик, бағрикенг бўлиш ҳар бир инсон учун фарз. Айниқса, бу жиҳатлар муқаддас Рамазон ойида янада кўпроқ намоён бўлади. Рамазон ҳайити арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги фармонни имзолади.

ИНСОН УЛУҒ, ҚАДРИ ЮКСАК

улуғ айём кунлари ўнлаб шахсларнинг афв этилгани инсон қадри учун ғоясининг амалдаги ифодасидир

Инсоният озодликни энг буюк неъмат сифатида эъзозлайди, қадрлайди. Айниқса, билиб-билмай жиноят содир этган ва бугун қилмиши сабаб панжара ортида турганлар унинг қадрини жуда яхши англайди. Зеро, бир лаҳза бўлса-да ўз уйида, ота-онаси ва фарзандлари бағрида бўлиш улар учун энг катта орзу.

Давоми 2-бетда

САРҲИСОБ

САНОҚДАН СИФАТ САРИ ТАМОЙИЛИ

олий таълимдаги илмий, инновацион фаолиятга янгича қараш ва ёндашувни талаб қилади

Ўзбекистоннинг илмий доирадаги имижи

Глобаллашаётган дунёда ҳаётимизни илм, маърифат ва таълим тараққиётисиз тасаввур этиб бўлмайди. Боиси, қайси соҳада ўзгариш, ривожланиш ёки кашфиёт кузатилаётган бўлса, унинг моҳияти, пойдевори — илм-фан. Шунинг учун ҳам жаҳоннинг етакчи давлатлари таълим ва илм-фанни ривожлантиришга биринчи галдаги стратегик вазифа сифатида қарайди. Ўзбекистоннинг бу борадаги позициясини эса давлатимиз раҳбарининг қуйидаги сўзлари ифодалайди: **“Ҳаммамизга аёнки, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам бу — илм-фан, таълим ва тарбиядир. Эртанги кунимиз, Ватанимизнинг ёруғ истиқболи, биринчи навбатда, таълим тизими ва фарзандларимизга бераётган тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқ”.**

Давоми 3-бетда

МУНОСАБАТ

Ийд ал-Фитр – РАМАЗОН ҲАЙИТИ МУБОРАК БЎЛСИН!

Нуриддин домла ХОЛИҚНАЗАРОВ, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

Бошланиши 1-бетда

Мазкур ишларнинг узвий давоми сифатида Президентимизнинг **“Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида”ги** қарорида белгиланган муҳим вазифалар Рамазон ҳайитининг юртимизда кўтаринки руҳда ўтишига асосий омил бўлади. Ушбу қарор байрам кайфиятини янада оширишга, муборак айёмни янада мазмунли ўтказиш учун шароит ҳозирлайди.

Шунингдек, улуғ айём арафасида мўмин-мусулмонларнинг ҳиммати баланд, шижоати юксак бўлади, ота-оналар, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, кексалар, устозлар, беморлар ва муҳтожларнинг кўнгли олинади. Аллоҳ таоло фарз қилган закотлар адо этилди, фитр садақаси ҳамда фидялар берилди.

Рамазон ҳайити шодиёналари юртимиз бўйлаб кўтаринки кайфиятда ўтмоқда. Айниқса, ушбу кунларда халқимизга хос меҳр-оқибат, саховат, эзгулик каби фазилатлар янада ёрқинроқ намоён бўлмоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган байрам табриги юртдошларимизнинг кўнглини тоғдек кўтарди. Табрикдаги самимий ва дилдан чиққан пурмаъно гаплар юртдошларимизнинг қалбига тўғри кириб борди, уларни чексиз манмун этди. Байрам кунларида ўзаро оқибатли бўлиш, меҳру саховат кўрсатиш каби инсоний фазилатларни яна бир бора амалда намоён этишга туртки бўлди.

Шунингдек, айём кунларида муқаддас динимиз эъзозлаган, буюк алломаларимиз тарғиб этган кам таъминланган, камбағал оилалар ҳолидан хабар олиш, етимлар бошини силаш, ёрдамга муҳтожларга мурувват қўлини чўзиш каби улуғ анъаналаримиз янада жонланади. Имом-хатибларимиз Меҳрибонлик ва Мурувват уйларида саховат тадбирларини ўтказди, кам таъминланган оилаларга озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа зарур маҳсулотлар тарқатадилар. Амалга оширилган бундай эзгу ва савоб ишлардан халқимизнинг кайфияти кўтарилади.

Жорий йил 29 апрель куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари “Рамазон ойи — сахийлик, меҳр-оқибат ва бағрикенглик ойидир. Бу қутлуғ айёмда меҳр-шафқатли, кечиримли бўлиш ҳаммамиз учун ҳам фарз, ҳам қарз”, деди.

Шу муносабат билан, Рамазон ҳайити арафасида Президент адашиб жиноятга қўл урган, лекин айбини чуқур англаб, тузалиш йўлига қатъий ўтган 65 нафар фуқарони афв этиш бўйича фармонни имзолади.

Мутасаддиларга ушбу фуқаролар байрамни ўз уйида, яқинлари бағрида кутиб олишлари учун барча шароитларни яратиш бўйича топшириқ берилди.

Таъкидлаш жоизки, охирги йилларда жадал фаолият юритаётган Ислом цивилизацияси маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказларида **ислом динининг илмий жиҳатдан тадқиқ этилиши катта самара бермоқда.** Бундай хайрли ишларнинг самараси ўлароқ, заминимиздан яна бухорийлар, термизийлар, насафийлар ва нақшбандийлар етишиб чиқажак, иншоаллоҳ.

Ийд ал-Фитрни дунё мусулмонлари қатори юртимиз аҳли ҳам катта шодиёна ва хурсандчилик ила ўтказади. Ушбу кун — Яратган Эгамнинг раҳмати Ер юзига ёғиладиган, қалблар завқланадиган, рўзадорларга ажрлар бериладиган ажойиб фурсат.

Ҳазрати Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Ҳар бир қавмнинг ўз байрами бор, Ийд бизнинг байрамимиздир”**, деб марҳамат қилганлар.

Ҳофиз Ибн Ҳажар роҳимаҳуллоҳ “Фатҳул Борий” асарида шундай деган: **“Ҳайит кунлари шодликни изҳор қилиш диннинг шиорларидандир”**.

Ийд — Аллоҳ таолога қилинган тоат-ибодатлар туфайли, У зотнинг бандаларига кўрсатган раҳмату мағфирати туфайли хурсандчилик изҳор қилиш учун бир муносабат.

Ийд рўза каби улуғ ибодатни адо қилгандан сўнг бандаларга тақдим қилинган Раббоний зиёфатдир. Аллоҳ таоло Ўзининг фазли, мағфирати ва бу рўза ибодатига лойиқ кўрганидан хурсанд бўлсинлар, деб бандаларини Ийд ал-Фитр зиёфатига таклиф қилади.

Иншааллоҳ, ушбу фазилатли ойнинг

> **ҲАЗРАТИ РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМ: “ҲАР БИР ҚАВМНИНГ ЎЗ БАЙРАМИ БОР, ИЙД БИЗНИНГ БАЙРАМИМИЗДИР”, ДЕБ МАРҲАМАТ ҚИЛГАНЛАР.**
> **ҲОФИЗ ИБН ҲАЖАР РОҲИМАҲУЛЛОҲ “ФАТҲУЛ БОРИЙ” АСАРИДА ШУНДАЙ ДЕГАН: “ҲАЙИТ КУНЛАРИ ШОДЛИКНИ ИЗҲОР ҚИЛИШ ДИННИНГ ШИОРЛАРИДАНДИР”.**

Шубҳасиз, Имом Термизий бобомиз ривоят қилган **“Яхшиликка далолат қилувчи уни қилган киши кабидир”,** ҳадиси шарифига мувофиқ санаб ўтилган савобли ишлар сабабчиси бўлган инсонларга ҳам чексиз ажру мукофотлар ёзилади ҳамда юртимизга қут-барака ёғилади, иншоаллоҳ.

Сизу биз мана шундай улуғ неъматларнинг қадрига етиб, динимиз ривожига кўрсатилаётган шароитларни Аллоҳ таолонинг улуғ марҳамати деб қабул қилишимиз, бунинг шукронасини ҳамиша адо этишимиз лозим.

Бу йилги Рамазон ойи чин маънода қут-баракали ва файзли бўлди. Чунки бу ойда тўхтовсиз хатми Қуръонлар, гўзал маърифий суҳбатлар, халқаро доирадаги эътирофлар бўлди. Шунингдек, халқимиз бу ойни тақвою ибодат, хайру саховат улашиш билан ўтказиб, доим яхшиликлар пайида бўлдилар.

Ушбу амаллар савобини ҳадиси шарифларда марҳамат қилинганидек, **ҳар бир қилинган амалнинг эвазига 70 тадан 700 тагача савоб беради. Иншоаллоҳ.**

Рамазон ҳайити ислом динининг учинчи рукни бўлмиш рўза ибодатини адо этиш муносабати ила нишонланадиган катта қувончли воқеадир.

якунланиши барчаларимиз учун Аллоҳнинг раҳмати, гуноҳларимизнинг мағфират қилиниши ҳамда жаҳаннамдан қутулиш байрами бўлди.

Зеро, ҳар бир мўмин-мусулмон учун Роббининг ибодатини адо этиш чинакам бахту саодатдир. Шунинг учун бу байрам имон ҳаловати, ибодат ва дуо-истиғфор байрами. Бу байрамда мусулмонлар жоме масжидларига тўпланиб, Ийд намозини жамоат билан ўқийдилар. Сўнг дуолар қилиб, ўтганларнинг руҳини шод этади, эл-юртга, Ватанга, бутун дунёга осудалик тилаб, илтижолар қиладилар.

Яратган Парвардигор бутун дунё мусулмонларига Рамазон ҳайити байрамини муборак айласин, бутун оламга тинчлик-хотиржамлик ато этсин, ибодатларимизни даргоҳида қабул қилсин, она-Ватанимизни обод қилсин, халқимиз ҳаётини янада фаровон айласин.

Президентимизни, бутун элимизни, дунёдаги мўмин-мусулмонларни Ийд ал-Фитр — Рамазон ҳайити байрами билан яна бир бор қутлаймиз, тинчлик-барқарорлик, қут-барака, бахт-саодат тилаймиз!

Азиз юртдошлар, Рамазон ҳайитингиз муборак бўлсин!

БАҒРИКЕНГЛИК

ИНСОН УЛУҒ, ҚАДРИ ЮКСАК

улуғ айём кунлари ўнлаб шахсларнинг афв этилгани инсон қадри учун ғоясининг амалдаги ифодасидир

Бошланиши 1-бетда

Рамазон ҳайити — меҳр айёми, оқибат тантанаси. Ушбу байрам кунлари халқимизнинг бағрикенглик, кечиримлилик, йиқилганни суяш каби асрий анъаналари, эзгу фазилатлари янада яққолроқ намоён бўлади. Ҳайит кунлари қатор юртдошларимиз хонадонига қўшалоқ байрам бўлиб кирмоқда. Чунки уларга кўпдан бери кутган ширин неъмат, ўз қадрдонлари билан дийдор кўришиш насиб қиляпти.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур Фармони, қилган хатосини англаб етган ана шундай маҳкумларга имконият яратди.

Ҳужжатга мувофиқ, муборак Рамазон ҳайити муносабати билан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан, билиб-билмай жиноятга қўл урган ва ҳозир жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 65 нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг 2 нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, 39 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, 6 нафарига тайинланган жазо енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Бир сўз билан айтганда, 47 нафар шахс жазони ижро этиш муассаларидан озод қилинмоқда. Шунингдек, 18 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди. Афв этилганларнинг бир нафари чет эл фуқароси, 3 нафари аёл, 3 нафари 60 ёшдан ошган эркаклар, 3 нафари эса тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар.

Ҳужжатда озодликка чиққан шахсларнинг оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича вазифалар ҳам белгиланган.

— Афв этиш тўғрисидаги Фармон Президент томонидан имзоланадиган юридик ҳужжат ҳисобланади, — дейди Олий суд судьяси Камолиддин Толибоев. — Амалда жазо ўтаётган маҳкумлар Президентга илтимоснома билан афв этиш тўғрисида мурожаат қилади. Шундан сўнг афв этиш масалалари бўйича комиссия мазкур илтимоснома юзасидан жойларга чиқиб улар билан бевосита учрашади. Амалда уларнинг пушаймон бўлгани, ахлоқан тузалиш йўлига ўтгани ва билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолгани билан боғлиқ ҳолатларни ўрганиб чиқади. Ҳужжатларни ўрганиш ва ҳар бир маҳкум билан алоҳида суҳбат ўтказиш жараёнида келажакда булар жамиятда ўз ўрнини топиб кетади, деган хулосага келинган тақдирда, комиссия томонидан таклиф киритилади. Ҳақиқатда у содир қилган жиноятига пушаймонми, тузалиш йўлига ўтганми, бу жиҳатлар алоҳида эътиборга олинади.

Бу шубҳасиз, адашган, лекин адашганини англаб етган кишиларга яна бир имкон бериш, уларнинг жамиятдаги мавқеи, оиладаги ўрнини қайта тиклаб олиши учун шароит яратиш, мамлакатимизда илгари сурилаётган инсон қадри учун ғоясининг амалда ўз ифодасини топаётганининг далилидир.

Қайд этиш жоизки, бугун ҳайит-арафа кунларида отасини кутиб турган гўдаклар, фарзандини кутиб турган муштипар оналар дийдорлашади. Ва энг асосийси, улар бу хатони қайтиб такрорламаслиги, бундан буёғига юрт учун, халқ учун оиласи учун, эзгу ишлар қилишга қатъий киришишлари керак. Бу уларнинг афв қилинганлиги учун шукроналик белгиси, давлатимиз ва халқимизга бўлган фуқаролик, инсонийлик жавоби бўлади.

Афв этилганлар бундан кейин нафақат оила аъзолари, балки маҳалладошлар, умуман, кенг жамоатчиликнинг эътиборида бўлади. Фармонда афв этилган шахсларнинг фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш мақсадида масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

— Фармонга мувофиқ, жазони ижро этиш муассасаларидан жазо муддатини ўтаётган аёллар ҳам озодликка чиқарилди, — дейди ИИВ жамоат хавфсизлиги департаменти ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати ходими Азиза Ҳайдарова. — Бу жуда муҳим аҳамиятга эга масала. Аслида аёлнинг ўрни оила ва жамиятда кўрсатган фидойилиги билан ўлчанади. Озод қилинганлар қаторида уч нафар аёлнинг уйга қайтиши шунча оиланинг яна бағри бутун бўлиши, тақдир йўллари ёруғ йўлга бурилганини англатади. Энди уларнинг болалари ҳам она меҳридан мосуво эмас, эзгулик, ғамхўрлик қўрғони бўлган оилада улғаяди.

> **Ҳеч ким яқинларини ўзидан йироқда, тутқунликда кўришни истамайди. Оила, қадрдонлар даврасида ўтган ҳар бир кун, ҳар лаҳза байрам. Шу боис, ота-онаси ва фарзандлари бағрига қайтаётган бу инсонларнинг ҳаяжонини тушуниш мумкин. Улар бу ердан озодлик, эркинликнинг қадрини юз карра англаб чиқяпти.**

— Тўғриси, озод бўлдингиз, дейишганда ишонмадим. Бу кунларни қанча кутдим, — дейди Барно Рафиқова. — Президентимизнинг афв тўғрисидаги Фармони билан озодликка чиқяпман. Шу нарсани англаб етдимки, озодлик қадрини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмас экан. Болаларимни, яқинларимни соғинганман. Афсуски, кўп яхши кунларимни панжара ортида ўтказишга тўғри келди. Давлатимиз раҳбари, ҳукуматимиз берган бу имкониятни қадрлашга, ундан тўғри фойдаланиб, фарзандларим, оилам бағрида яхши ният, ҳалол меҳнат билан яшашга интиламан.

Инсон улуғ, қадри юксак. Улуғ айём кунлари ўнлаб шахсларнинг афв этилгани, мурувват кўрсатилгани юртимиздаги инсонпарварлик сиёсатининг, халқимизга хос бағрикенглик, олижаноблик ва меҳр-оқибат фазилатларининг амалдаги ифодасидир. Президентимиз Фармонининг асл мазмун-моҳияти ҳам ана шунда.

Лутфулла СУВОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

ЛОЙИҲАЛАР ҚАНДАЙ МОЛИЯЛАШТИРИЛАДИ?

Одинахон ОТАХОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси аъзоси

Қаерда эркин ишлаб, меҳнати натижасидан баҳраманд бўлиш учун қулай муҳит яратилса, ўша жойда тараққиёт, фаровонлик кузатилади. Бугунги кунда юртимиз деҳқону фермерлари ана шундай шарт-шароитларга эга. Хусусан, экин-тикин учун уруғлик, минерал ўғит ва бошқа зарурий ресурслар бевосита фермернинг даласига етказиб берилиб, барча турдаги хизматлар кўрсатиляпти. Асосийси, улар молиявий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Сўнгги беш йилда бу соҳага 2 миллиард 500 миллион доллар хорижий кредит жалб қилинди. Ҳозиргача шундан 1 миллиард 700 миллион доллари ўзлаштирилиб, 4 мингга яқин лойиҳа амалга оширилган. Жумладан, замонавий иссиқхоналар, интенсив боғлар, кўчатчилик хўжаликлари ва музлаткичли омборхоналар ташкил этилган.

Президентимиз 27 апрель куни қишлоқ хўжалигида лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда таълим сифатини яхшилаш масалалари юзасидан ўтказган йиғилишда ҳам халқаро молия институтларидан жалб этилган маблағни самарали йўналтириш, лойиҳаларни жадаллаштириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Йиғилишда бугунги кунда умумий қиймати 400 миллион долларлик 580 та янги лойиҳа шакллантирилгани, лекин кредитлар муддати қисқалиги ёки мутахассислар етишмаслиги сабабли уларни бажариш кечикаётгани қайд этилди. Бу борада Қишлоқ хўжалиги вазирлиги зиммасига лойиҳаларни ўзи ишга тушириб, лизинг асосида сотиш ваколати юклатилди.

Узумчилик боғдорчиликнинг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, халқ хўжалигида салмоқли ўрин эгаллайди. Жорий йилда 6 та вилоятда қарийб 2 минг гектар интенсив боғ ва токзор барпо этилиши, жами 115 минг тоннали 17 та кичик агрологистика маркази ишга туширилиши ва улар тадбиркорларга тайёр ҳолда лизинг асосида сотилиши айни муддао бўлди.

Соҳада хизматларни ривожлантириш, экин ҳисоби ва сув сарфини онлайн мониторинг қилиш бўйича кўрсатмалар берилар экан, бу йил Андижон, Наманган, Фарғона, Жиззах, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида агрохизматлар маркази ташкил этилиб, 100 дан ортиқ хизмат йўлга қўйилиши қайд этилди. Бу марказларда замонавий лабораториялар бўлади, хорижлик мутахассислар жалб қилинади. Лойиҳалар бўйича маблағни бошқариш, ер ва экин ҳисоби, суғориш ишлари ва ҳосилдорлик электрон тарзда кузатиб борилади.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 27 апрелдаги “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш харажатларини молиялаштириш ва уларни харид қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни моддий ресурслар билан узлуксиз таъминлашга хизмат қилиши билан янада аҳамиятлидир.

Ушбу ҳужжатга кўра, Қишлоқ хўжалиги ва Молия вазирликлари ҳамда Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигининг мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун ажратилиши кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармасига 12 ой муддатга, шу жумладан, 11 ойлик имтиёзли давр билан 300 миллиард сўм бюджет ссудаси йиллик 10 фоиз ставкада ажратилади.

Эътиборлиси, қайтарилган маблағлар ҳисобидан Боғдорчилик агентлиги буюртмаси асосида йил давомида қўшимча бюджет ссудаси ажратиб борилади. Бунда ажратилган бюджет ссудаси бўйича қарздорликнинг жами суммаси 300 миллиард сўмдан ошиб кетмаслиги керак.

Қарорда белгилаб қўйилганидек, Боғдорчилик агентлиги бюджет ссудаси ҳисобидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига мева, узум, сабзавот, картошка, полиз экинлари, гул, кўкатлар ва доривор ўсимликлар, маккажўхори дони, дуккакли ва мойли экинлар етиштириш учун зарур моддий-техник ресурслар, шу жумладан, уруғлик ва кўчат етказиб берилади.

Қишлоқ хўжалиги хизматларини кўрсатиш, шунингдек, қайта ишловчи, сақловчи ва экспорт қилувчиларга, жумладан, “Агросервис оператор” давлат унитар корхонасига етиштирилган қишлоқ хўжалиги экинларини харид қилиш бўйича талаб этиладиган айланма маблағларини тўлдириш учун йиллик 14 фоиз ставкада қарз ажратилади.

Ушбу ҳужжат билан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Агросервис оператор” давлат унитар корхонасига қишлоқ хўжалиги корхоналарига қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун зарур моддий-техник ресурслар, жумладан, уруғлик ва кўчатлар етказиб бериш ҳамда қишлоқ хўжалиги хизматларини кўрсатиш вазифаси ҳам юклатилди.

Бир сўз билан айтганда, бугун мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида кечаётган ислоҳотлар халқимизнинг фаровон турмуши, юртимиз тараққиётини таъминлашнинг кафолатидир. Йиғилишда белгилаб берилган вазифалар ҳамда давлатимиз раҳбари қарори ижроси, шубҳасиз, қишлоқ хўжалигининг экспорт салоҳиятини ошириш, энг муҳими, аҳоли учун қўшимча иш ўринлари ва даромад манбаларини яратишга хизмат қилади.

САРҲИСОБ

САНОҚДАН СИФАТ САРИ ТАМОЙИЛИ

олий таълимдаги илмий, инновацион фаолиятга янгича қараш ва ёндашувни талаб қилади

Раҳимжон ҲАКИМОВ,
олий ва ўрта махсус таълим вазирининг фан ва инновациялар бўйича ўринбосари

Бошланиши 1-бетда

Сўнгги йилларда таълим тизимида бўй кўрсатаётган ўзгаришлар бу таъкиднинг амалиётдаги ҳаракати, самарасини яққол намоён этмоқда. Биргина фактга эътибор қаратайлик: юртимизда ўтган беш йилда 22 та хорижий ҳамда 21 та нодавлат олий таълим муассасаси ташкил этилган, қабул квоталари 3 баробар ортган. Тизимдаги ўзгаришлар қиймати рақамлар билан ўлчанмайди, албатта. Қачонки, сон ва сифат муштарак бўлса, кўзланган мақсадга эришилган ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан бугун ҳар бир олий таълим муассасасининг илмий салоҳиятини ошириш, йўналишда мавжуд муаммоларга ечим топишга тизимли ёндашилмоқда.

Илм-фан ривожи ислоҳотлар одимига мосми?

Очиғини айтиш керак, кейинги беш-олти йилда илм-фан ривожи учун янги давр бошланди. Илм аҳлининг игна билан қудуқ қазишдек машаққатли меҳнати қадр топа бошлади. Илмга эътибор жамият учун икки муҳим натижа беради: биринчиси, ижтимоий долзарб муаммоларга илмий асосланган ечим топиш муддати қисқаради. Иккинчидан, ўз соҳасининг сир-синоатларидан пухта хабардорлик таълим сифатининг яхшиланишига сабаб бўлади. Қисқаси, натижаси кафолатланган теорема ишга тушади: оқибат билан эмас, сабаб билан қурашиш амалиётига ўтилади.

Олий таълим муассасаларида илмий салоҳият йилдан-йилга ошиб бораётгани алоҳида эътиборга молик. Жумладан, мавжуд илмий салоҳият Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Тошкент давлат аграр университети, Ўзбекистон Миллий университетида 60 фоиздан, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети, Ўзбекистон давлат хореография академияси, Самарқанд давлат университетида эса 50 фоиздан юқори.

Мазкур ижобий натижа билан бирга 14 та олий таълим муассасасида илмий салоҳият 18 фоиздан 30 фоизгачани ташкил этаётганини ҳам айтишимиз керак. Бу кўрсаткич илмий даражага эга профессор-ўқитувчилар нисбатига қараб белгиланади. Олий таълимга қамровнинг кескин ортиши эса мазкур масалада қисқа вақтда самарали чоралар кўришни тақозо этади. Бу, айниқса, узоқ йиллар мудроқ ҳолатда бўлган кўплаб олийгоҳлар олдига янги масалаларни қўйди. Уларни ён-атрофда кечаётган ислоҳотларга мос, янги Ўзбекистонга хос фаолият юритишга мажбур қилмоқда. Хусусан, ўтган йили юртимиздаги олий таълим муассасаларида 1765 та докторлик диссертацияси (1521 та фалсафа докторлиги (PhD) ва 244 та фан докторлиги (DSc) учун) ёқланди. Бу кўрсаткич 2019 йилга нисбатан 60 фоиз ошганини кўрсатди. Диссертациялар ҳимояси бўйича Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд давлат университети, Тошкент давлат педагогика университети ва Бухоро давлат тиббиёт институти энг яхши натижани қайд этди. Ўтган йили диссертация ёқлови кўрсаткичи юртимиз олий таълим муассасаларидаги ҳар 10 нафар илмий даражали профессор-ўқитувчига нисбатан ўртача 1,7 нафарни ташкил этди. Бу борада Термиз давлат университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти, Бухоро давлат тиббиёт институти, Тошкент давлат педагогика университети ҳамда Ўзбекистон Миллий университети нисбатан яхши кўрсаткичга эга бўлган. Бироқ 2021 йилда ўтказилган жами диссертациялар ёқловининг олий таълим муассасаларидаги профессор унвонига эга ходимлар (2 657 нафар) нисбатига назар ташланса, бир профессорга биттадан ҳам тўғри келмагани ойдинлашади. Ваҳоланки, фан доктори бир вақтнинг ўзида 5 нафаргача тадқиқотчига илмий раҳбар ва маслаҳатчи бўлиши мумкин.

Масалага диссертациялар ёқлови бўйича илмий кенгашларни кўпайтириш, докторантлар, илмий даражага эга профессор-ўқитувчилар, илмий раҳбар ва маслаҳатчиларнинг масъулиятини ошириш, самарали меҳнатни рағбатлантириш орқали ечим топиш мумкин. Бундан ташқари, ҳар бир олий таълим муассасаси ўзининг илмий салоҳиятидан тўлиқ ва унумли фойдаланиши зарур.

Танганинг икки томони

Сўнгги йилларда мамлакатимизда илм-фан ва тадқиқот олиб боришга қизиқиш ортди. Боиси соҳага давлат сиёсати даражасида эътибор қаратила бошлади. Шунингдек, янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисида”ги қонунда олий таълимдан кейинги таълим — илмий-тадқиқот олиб бориш босқичлари ва шакллари — таянч докторантура, докторантура, мустақил изланувчилик, илмий даража ва унвонлар бериш масалалари қонун билан мустаҳкамлаб қўйилди. Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг “Илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотларида илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш тўғрисида”ги қарори эса илмий-тадқиқотларни рағбатлантиришда янги босқични бошлаб берди.

Ҳозир 70 та олий таълим муассасаси ва вазирлик тизимидаги 5 та илмий ташкилотда докторантура фаолияти йўлга қўйилган. Жорий йилда докторантурага қабул квотаси ўтган йилга нисбатан 100 фоиз оширилди. Айни пайтда олий таълим муассасаларида 5 281 нафар докторант (4 964 нафар таянч докторант — PhD, 317 нафар докторант — DSc) ва 650 нафар стажёр-тадқиқотчи илмий-тадқиқот билан шуғулланмоқда.

Кўрсаткичлар таҳлилига кўра, докторантурада ўз муддатида диссертация ёқлови кўрсаткичи ўртача 50 фоизга тенг бўлиб, 8 та олий таълим муассасасида ўз муддатида ҳимоя қилиш кўрсаткичи ўртача 70 фоиздан юқори. Чунончи, Термиз давлат университети — 85; Тошкент давлат стоматология институти — 75,8; Наманган муҳандислик-технология институти — 71,2; Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети — 71; Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг кўрсаткичи 70,5 фоизни ташкил этди.

Ютуқлар ўзимизники, лекин соҳадаги камчиликлардан ҳам кўз юма олмаймиз. Жумладан, 6 та олий таълим муассасасида ўз муддатида диссертация ёқлаш кўрсаткичи 20 фоиздан паст. Бу докторант ва мустақил тадқиқотчилар билан ишлашда тизимлилик етишмаётгани, уларга зарур шарт-шароит яратилмагани, илмий раҳбар ва илмий маслаҳатчиларнинг масъулиятсизлигини англатмайдими?! Шу боис, олий таълим муассасаси ректорлари ҳар чоракда камида бир марта докторантлар билан юзма-юз мулоқотда бўлиши, муаммоларини ҳал қилишда амалий ёрдам кўрсатиши зарур.

Сон ва сифат пропорционалми?

Саноқдан сифат сари тамойилини амалдаги саъй-ҳаракатга айлантириш вақти аллақачон келганини тан олишимиз шарт. Чунки мамлакатимизда кечаётган ислоҳотлар, янгиланишлар биздан илмий фаолиятни янги босқичга олиб чиқишни талаб этяпти. Биргина мисол, 2017 йили диссертациялар ёқлови бўйича атиги 32 та илмий кенгаш фаолият юритган бўлса, ўтган йили улар сони 172 тага етганини таъкидлаш жоиз. Шу билан бирга, илғор халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда бир қанча нуфузли олийгоҳларнинг илмий кенгашлари доцент ва профессор илмий унвонлари, фалсафа ва фан доктори илмий даражаларини бериш ваколатига эга бўлди.

Илмий даража олиш жараёни бирмунча енгиллаштирилгани сифатга салбий таъсир ўтказмайдими, деган ҳақли савол туғилади. Бугунги ҳолатга қараб дабдурустдан жавоб бериш мушкул. Юқорида айтганимиздек, 2021 йилда 1 762 та диссертация ёқланган. Бироқ бу кўрсаткични илмий кенгашлар нисбати билан таққослаганимизда рақамлар мувозанатида муҳокамали ҳолат кузатиляпти. Мана, масалан, Қўқон давлат педагогика институтининг битта илмий кенгашида 33 та диссертация ёқланган бўлса, Бухоро давлат университетида эса бу кўрсаткич ўртача 6 тани ташкил этяпти. Бундан кўринадики, айрим кенгашлар ҳақиқатан ҳам фаол, айримлари эса суст ишламоқда. Масаланинг ечими яна олий таълим муассасаларининг раҳбарларида қолмоқда. Яъни ҳар бир ректор, проректор фаолияти давомида илмий кенгаш аъзолари билан яқиндан ишлаши, уларни ўйлантираётган муаммоларни тинглаш билан чекланмай, ҳал қилишга кўмаклашиши, ҳисоботлардан хабардор бўлиши, сифат ва сон кўрсаткичидаги мувозанатни сақлаши лозим.

Президентимизнинг “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эса айни масалада янада кенг имкониятларни юзага келтирди. Яъни 2022 йил 1 январдан илмий кенгаш аъзоларининг ярмидан кўпи мазкур кенгашни тузган таълим муассасасида фаолият юритувчи олимлардан иборат бўлиши кераклиги ҳақидаги талаб бекор қилиниб, ҳар бир олий таълим муассасаси кўзга кўринган олимларни жалб этган ҳолда илмий кенгашларни очиши мумкинлиги белгиланди.

Илмий кенгашлар ишини ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда масофавий шаклда ташкил қилиш имконияти мавжудлиги, ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишида илмий тадқиқотлар ролини кучайтириш учун эндиликда вилоятлардаги олийгоҳларда бундай кенгашлар ишини ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Халқаро рейтинглардаги натижа яхшиланиши учун...

Олий таълим муассасалари илмий салоҳиятининг ошаётгани, табиийки, мамлакатимизнинг жаҳон саҳнидаги илмий имижига ҳам ижобий таъсир этади. Бу имижнинг қиймати эса олий таълим муассасаларининг QS (Quacquarelli Symonds) ва Times Higher Education (THE) халқаро рейтинг ташкилотларининг 1000 та энг яхши олийгоҳи қаторига кириши билан ўлчанади.

Шунингдек, дунёнинг энг яхши олий ўқув муассасалари қаторида бўлиш учун сўнгги беш йилда халқаро илмий-техникавий маълумотлар базасининг индексланган илмий журналларида профессор-ўқитувчиларнинг илмий мақолалари нашр қилингани ҳам инобатга олинади. Бундан ташқари, Хирш индекси (h индекси) дунёда тадқиқотчиларни илмий ташкилотда доимий иш билан таъминлаш масаласини ҳал қилишда ёрдамчи омиллардан бири бўлиб келмоқда.

Айни масалалар юзасидан бажарилган ишлар натижаси ўлароқ, ўтган йили Scopus халқаро илмий-техник маълумотлар базасида индексланувчи нуфузли илмий журналларда юртимиз олий таълим муассасалари ўқитувчиларининг 3 389 та мақоласи нашр этилди. Бу 2019 йилга нисбатан 2,6 баробар кўп, дегани. Аммо Scopus халқаро илмий-техник маълумотлар базасидаги илмий журналларда чоп этилган мақолалар сони 100 нафар профессор-ўқитувчига нисбатан ўртача 10 тани ташкил этган. 25 та олий таълим муассасасида бу кўрсаткич 3 тага ҳам етмайди.

Ҳар бир муаммонинг ечими бор. Ушбу масалани ҳал этишнинг биринчи босқичи сифатида, аввало, олий таълим муассасаларида тегишли фан тармоғи бўйича халқаро тан олинган илмий журналлар (Q1, Q2 кварталли) рўйхатини шакллантириш ва улар билан ҳамкорликни кучайтириш керак. Шунингдек, нуфузли халқаро илмий журналларда мақола чоп эттиришга доир махсус амалий семинар-тренингларни кўпайтириш, мақоласи чиққан муаллифларни рағбатлантириш механизмидан самарали фойдаланиш зарур. Энг муҳими, ҳар бир жараён олийгоҳ ректори, илмий кенгашнинг доимий назоратида бўлиши шарт.

Яна бир муҳим ташаббус: олий таълим муассасалари илмий журналларининг Scopus, Science Direct ва бошқа халқаро илмий-техник маълумотлар базаларига босқичма-босқич киритилишини таъминлаш лозим. Бу борада илк қадамлар ташлангани бизни қувонтиради. Жумладан, Ўзбекистон Миллий университетининг “Bulletin of National University of Uzbekistan: Mathematics and Natural Sciences” илмий журнали, Тошкент давлат техника университетининг “Technical science and innovation” ва “Chemical Technology, Control And Management”, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетининг “Irrigation and Melioration”, Тошкент кимё-технология институтининг “Chemistry and chemical engineering” илмий журналлари Scopus халқаро илмий-техник маълумотлар базасида индексация қилиниши учун ариза берилган. Шу йўсинда беш-олти йилда 35 та илмий журнални нуфузли халқаро базаларга киритиш режалаштирилмоқда.

Ғоядан тайёр маҳсулотгача

Илм-фанни қўллаб-қувватлаш бевосита маблағга бориб тақалади. Бу хусусда ҳам олий таълим тизимида ижобий натижаларга эришилди. Жумладан, давлат илмий-техник дастурлари доирасида ўтган йили олий таълим муассасаларида умумий маблағи 165 миллиард 445 минг сўм бўлган 403 та илмий лойиҳа бажарилди. Бу лойиҳаларнинг 59 таси фундаментал, 193 таси амалий, 101 таси инновацион ҳамда 50 таси ёш олимларнинг фундаментал, амалий ва иннновацион лойиҳалари саналади.

Молиявий тушумлар ҳисоботига кўра эса, 2021 йилда олий таълим муассасаларидаги бир нафар профессор-ўқитувчига нисбатан илмий лойиҳалардан тушган маблағ ўртача 5 миллион сўмдан тўғри келмоқда. 22 та олий таълим муассасаси бу борада юқори кўрсаткичга эришган бўлса, 32 та олийгоҳ ва филиалларда давлат дастури доирасидаги илмий лойиҳалардан молиявий тушум мутлақо бўлмаган. Халқаро илмий-амалий лойиҳалардан тушган маблағ эса бир нафар профессор-ўқитувчига нисбатан ўртача 935 АҚШ долларини ташкил этди.

Энг яхши натижаларни Тошкент ахборот технологиялари университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Наманган муҳандислик-технология институти, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети, Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети қайд этган. Мазкур рақамларда яна мувозанат бузилганига гувоҳ бўлиш мумкин. Яъни баъзи олийгоҳлар маблағлар айланмасини ташкил этишда яхши натижага эришган, айримлари эса йўқ.

Ғояларни маҳсулотга айлантириш борасида сўз кетганда юртимиздаги 15 та олий таълим муассасасида мавжуд 39 та илмий лаборатория имкониятларидан унумли фойдаланиш зарурлиги яққол аён бўлади. Айни пайтда олий таълим муассасаларининг илмий фаолият инфратузилмасини такомиллаштириш мақсадида 7 та олий ўқув юртлариаро илмий лаборатория ташкил этиш ва уларни босқичма-босқич жиҳозлаш жараёни кетмоқда. Бу ишларга Жаҳон банки билан ҳамкорликдаги лойиҳа доирасида 10,3 миллион АҚШ доллари сарфланди. Ҳозир олийгоҳларнинг ўзи ҳам замонавий лабораториялар ташкил этишга ҳаракат қилмоғи зарур. Бугун молиявий мустақиллик берилган 35 та олий таълим муассасасининг 9 тасида илмий лабораториялар фаолияти йўлга қўйилган.

Илмий лабораторияларни аккредитацияга тайёрлаш, лаборатория хизматларини кенгайтириш орқали олий таълим муассасалари нафақат сифатли илмий-тадқиқот ўтказиш, шунингдек, қўшимча маблағ топиш имкониятига ҳам эга бўлади. Шу боис, лабораторияларни ташкил этиш ва фаолиятини ривожлантириш мақсадида олий таълим муассасаси ҳар йили маблағ ажратиши керак.

Ихтирога айланган лойиҳалар

Инсон тафаккури ва изланишлари маҳсули бўлмиш интеллектуал мулк самарасини бугун барча жабҳада кўриш мумкин. Бинобарин, ҳозир фойдаланилаётган замонавий технологиялар, умуман, кундалик эҳтиёжимиз шу салоҳият билан чамбарчас боғлиқ. Илм-фан ва инновацияни ривожлантириш, соҳадаги ютуқларни қийматли маҳсулотга айлантириш муҳим кўрсаткичдир. Дунёда товарларнинг бренд қиймати юқори ҳисобланади. Интеллектуал мулк Европада ялпи ички маҳсулотнинг 45, Хитойда 12, Россияда 7 фоизини ташкил этади.

Олийгоҳларнинг интеллектуал мулк объектлари учун олган гувоҳномалари сони ўтган йили 2019 йилга нисбатан 3,8 марта ошган, 1819 та патент (жумладан, 226 та ихтиро, фойдали модель учун патент, 1593 та дастурий маҳсулотлар учун гувоҳнома) олинган. Олий таълим муассасаларида олинган патент ва гувоҳномалар ҳар 100 нафар профессор-ўқитувчига нисбатан ўртача 8 тадан тўғри келади.

Ҳудудларда “фан — таълим — ишлаб чиқариш” интеграциясини таъминлаш мақсадида 23 та олий таълим муассасасида Технологиялар ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш марказлари фаолияти йўлга қўйилгани айни муддао бўлди. Боиси, марказлар профессор-ўқитувчиларга интеллектуал мулк объектларига доир гувоҳномаларни олишда бевосита ёрдам беради.

Истиқболли ғоя — муваффақият омили

Иқтисодий ўсишда илмий лойиҳалар билан бир қаторда стартап лойиҳаларни ривожлантириш катта аҳамиятга эга. Масалан, бу соҳага 2019 йили АҚШда 158 миллиард, Хитойда 110 миллиард, Ҳиндистонда 27 миллиард, Буюк Британияда 23 миллиард ва Исроилда 18 миллиард АҚШ доллари сарфланган. Ажратилган маблағ ҳисобига биргина АҚШда 7568 та, Буюк Британияда 1570 та, Хитойда 1505 та, Ҳиндистонда 798 та янги стартап лойиҳа амалга оширилган.

Шу маънода, Ўзбекистонда стартап лойиҳаларни ривожлантириш ва бу орқали юртимизнинг жаҳон стартап бозоридаги нуфузини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Яқин вақтгача талабалар учун ўз ғояларини лойиҳага айлантиришда маслаҳат ва кўрсатма берадиган стартап платформа, ментор ва мураббийлар ёрдамида ишлаш имконияти йўқ эди. Лекин бугун IT парк ва олий таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлиги туфайли талабалар инкубация марказларида таълим олиш имкониятига эга.

Ўтган йили 14 та олий таълим муассасаси ҳузурида “Бизнес-акселератор” фаолияти йўлга қўйилиб, Инкубация марказлари ташкил этилди. Ҳозир юртимиздаги 40 та олий таълим муассасасида 47 та “Инкубация маркази” фаолият юритмоқда. Қолган олий таълим муассасаларида “Инкубация марказлари”ни ташкил этиш ишлари давом этмоқда.

Инкубация марказлари талабаларга нима беради?

Инкубация марказлари талабалар учун турли консультация, мусобақа, хакатон ва семинарлар ўтказади. Бошланғич экотизим ҳақида асосий тушунча бериш билан бирга, ёшларнинг ўзини ахборот технологиялари соҳасида тадбиркор сифатида намоён этишига ёрдам беради.

Ҳукуматимиз қарори билан ҳар йили Innoweek — халқаро иновацион кўргазмаси ташкил этилади. “Innoweek-2021” кўргазмаси доирасида олий таълим муассасалари 202 та ишланма билан қатнашди. Жумладан, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети — 24 та, Тошкент давлат транспорт университети — 23 та, Тошкент давлат техника университети — 22 та, Наманган муҳандислик-технология институти — 20 та, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти — 17 та, Бухоро муҳандислик-технология институти — 15 та, Тошкент давлат иқтисодиёт университети — 12 та, Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали — 9 та, Урганч давлат университети 8 та ишланмани тақдим этди.

Муаммолар учун ечим

Мамлакатимизда илм-фанни, илмий-тадқиқот муассасалари ва инновацион фаолиятни ривожлантириш билан боғлиқ механизмнинг барча босқичи самарали ишлаши учун кенг имконият мавжуд. Галдаги муҳим вазифа улардан унумли фойдаланиб, илмий кашфиётлар қилиш, ўзбек илм-фанини дунё бўйлаб оммалаштиришдан иборат. Бунинг учун бир неча масалага жиддий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Аввало, илмий-тадқиқот соҳасида олий таълим муассасаларининг халқаро алоқаларини, халқаро илм-фан билан ўзаро интеграциясини кучайтириш зарур. Бу жараёнда докторант ва тадқиқотчиларнинг хорижда малака ошириш кўламини кенгайтириш, нуфузли халқаро журналларда кўпроқ мақолалар чоп эттириш, олий таълим муассасаларига хориждан малакали мутахассисларни кенг жалб этиш муҳим аҳамият касб этади.

Илмий-тадқиқот мавзуларини танлашда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хослигини инобатга олиш, илмий ишни тармоқ ва ҳудудлардаги аниқ муаммолар ечимига йўналтириш, тадқиқот натижаларини тижорийлаштиришга эътибор қаратиш олдимиздаги муҳим вазифалардандир.

Докторантларнинг бошқа ҳудудлардаги лабораторияларда тадқиқот ўтказиши, турли илмий анжуманларда иштирок этиши (транспорт, турар жой, яшаш) учун олийгоҳларга бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан пул ўтказиш ҳуқуқини бериш ҳам бугун долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Шу билан бирга, ёш олимларни турар жой билан таъминлаш тизимини янада яхшилаш лозим. Бунинг учун Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларида “докторантлар уйлари”ни ташкил қилиш, ёш олимлар учун ижара тўловининг бир қисмини давлат бюджети ҳисобидан қоплаб бериш, докторантларга уй-жой сотиб олиш учун ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва фоизларнинг бир қисмини қоплашга субсидиялар ажратиш масалаларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Мутахассислик кафедралари томонидан илмий инновацион фаолият натижасида ишлаб топилган маблағнинг камида ярмини мустақил равишда, жумладан, кафедра аъзоларининг хорижий сафарларини ташкил этиш, уларни моддий рағбатлантириш, стартапларни молиялаштириш, ёш олимларга грантлар ажратиш, лабаратория ва компьютер техникасини харид қилиш учун сарфлаш тизимини жорий қилиш даркор.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсад йўлида олиб борилаётган чора-тадбирларни илм-фанга эътибор ва инновацияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айнан таълим, фан ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, илмий-тадқиқот муассасаларини модернизация қилиш, замонавий инновацион технологияларни иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳага жадал татбиқ қилиш мамлакатимизнинг етакчи давлатлар қаторидан ўрин олиши, халқаро рақобатбардошликка эришиши, аҳоли фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

САККИЗИНЧИ ХАЗИНА

ёхуд уни янада бойитиш, манфаатдорликни ошириш имкониятлари

Узумчилик бу — халқимизнинг асрлар давомидаги миллий деҳқончилик маданияти, қадрияти, ғурури ва даромад манбаи ҳисобланади. Узум халқимизнинг турмуш тарзи ва урф-одатлари билан бевосита боғланиб кетган. Ҳар бир кўчада, хонадонда ток бўлган. Ҳусайни, Тойфи, Ризамат ота, Келинбармоқ ва Кишмиш каби узумларимизнинг довруғи узоқ-узоқларгача танилган.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Қуёш суйган, тупроғи сахий қадимий юртда яшаймиз. Геопалентологик ва ампелографик тадқиқотлар боболаримизнинг узумчилик билан 6 минг йил аввалдан шуғулланганидан, “Авесто” китобидаги битиклар ўша даврлардаёқ узумни қайта ишлаш кенг ёйилганидан гувоҳлик беради. Хитойнинг милоддан аввалги II-I асрларга мансуб “Шижи” солномасида юртимиз ҳудудида яшаган ҳар бир хонадонда узум етиштирилгани алоҳида қайд этилса, Ўрта асрларда венециялик саёҳатчи Марко Поло ўз кундаликларида Самарқанд, Бухоро ва бошқа машҳур шаҳарлар атрофлари ямяшил боғлар, токзорлар билан ўралганини ҳайрат ила ёзади. Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Сино асарларида узумнинг шифобахш хусусиятлари баён этилган.

Тарихий манбаларда бундай маълумотларни кўплаб учратиш мумкин. Бугунги кунга келиб, дунёда замонавий узумчилик ва уни қайта ишлаш саноати мисли кўрилмаган даражада тараққий этди. Жаҳонда савдо ҳажмлари бўйича энг кўп истеъмол қилинадиган мевалар орасида узум иккинчи ўринда туради. Хусусан, ҳар йили хўраки узумга бўлган талаб ўртача 350 миллион долларга ўсмоқда.

Мамлакатимизда ҳам тармоқнинг салоҳияти ва имконияти катта. Энг муҳими, кейинги йилларда ривожланиш йўлида дадил одимлай бошлади. Хусусан, 2016-2020 йиллар давомида 52 минг гектар янги токзорлар ташкил этилиб, соҳага 210 миллиард сўм субсидия ажратилди. Шу давр мобайнида мева-сабзавотлар экспортида узумнинг улуши 2 бараварга кўпайди. Тармоқда айни кунда 900 минг нафар киши иш билан банд. Бироқ...

Президентимиз раислигида 2021 йил 7 июль куни узум етиштириш, уни саноат усулида қайта ишлашни ривожлантириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида қайд этилганидек, афсуски, айрим ҳудудларда йирик токзорлар майдони сўнгги тўрт йилда 7 минг гектарга камайган. Тармоқда селекция ишлари деярли йўқ, ҳалигача 40-50 йил аввал яратилган узум навлари экиб келинмоқда. Кўчат етиштириш илмига ва технологиясига амал қилинмайди, унинг касалликлари билан олимлар ҳам, ишлаб чиқарувчилар ҳам шуғулланмайди.

Маҳаллий узумларимиз ҳосилдорлиги Осиёнинг бошқа давлатларига нисбатан 1,5-2 бараварга кам. Қолаверса, юртимизда етиштириладиган узумларнинг аксарияти данакли бўлиб, жаҳон бозорида данаксизига бўлган талаб кескин ортиб боряпти. Шундай бир кезда токзорларнинг атиги 38 фоизи интенсив усулда парваришланмоқда.

Нима учун хўракининг посангиси оғирроқ?

EastFruit экспертлари томонидан ўтказилган сўров натижаларига кўра, мамлакатимизда етиштирилаётган узумнинг тахминан 71 фоизи данакли навларга тўғри келади. Уруғсиз навлар озчиликни ташкил этади. Улар орасида кенг тарқалган навлар сифатида, энг аввало, данаксиз “Қора кишмиш”, кейин “Оқ ҳусайни” қайд этилган. “Келинбармоқ” ва “Кетмонсопи” шундан сўнг саналган бўлса-да, улар ҳам аслида “Ҳусайни”нинг бир тури ёки дурагайи ҳисобланади.

“Ҳусайни” — Ўзбекистонда азалдан энг кенг тарқалган узум нави. У мураккаб ишловни талаб этмайди, яхши ва узоқ вақт сақланади. “Қора кишмиш” эса, уруғсиз нав сифатида универсал: янги узилган меваларига ички ва ташқи бозорда ҳам талаб доим яхши бўлиб келган, қолаверса, ундан экспортбоп қора майиз тайёрланади.

Уруғсиз навлар орасида “Сўғдиёна”га ҳам эътибор ортмоқда. У оддий “Қора кишмиш”га қараганда каттароқ бўлади. Бундан ташқари, у ҳўл мевалар бозори учун ҳам, майиз тайёрлаш учун ҳам мос келади. Майизининг ҳажми катта бўлгани боис, юқори нархларда сотилади.

“Ризамат F1”, “Мерседес” навлари ҳам кенг майдонларни эгаллаб боряпти. Афсуски, улар данакли бўлиб, ички бозорда харидоргирлиги билан ажралиб туради. Энг кўп экиладиган навлар рўйхатига “Тойфи”ни қўшмаса бўлмайди. Аммо миришкорларнинг айтишича, барча навлар орасида энг арзон сотиладиган узум айнан шу бўлгани сабаб фойдаланишдан чиқиб бораётган экан.

Хўраки навларга келганда, посангини босиброқ гапираётганимизнинг сабаби бор.

— Дунё бозорида ҳар йили хўраки узумга бўлган талаб ўртача 350 миллион долларга ўсмоқда, — дейди Инновацион ривожланиш вазирлиги бошқарма бошлиғи Аҳтам Далиев. — Бундай узум бўйича Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини 2026 йилга бориб камида 600 миллион долларга, майиз бўйича 500 миллион доллар ва табиий винода 100 миллион долларга етказиш мумкинлиги ҳисоб-китоб қилинган.

Бу ўринда муҳим масалалардан бири узум кўчатчилигини ривожлантириш, кўчатхоналар ва питомникларнинг реестрини ташкил этиш ҳамда аниқ тартибга келтириш долзарб ҳисобланади. Зеро, республикамизнинг хўраки узумларидан ташқари саноатбопига бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда. Айниқса, улардан тайёрланадиган вино ва вино маҳсулотлари жаҳон бозорида алоҳида ўрин эгаллаб боряпти.

Ўта муҳим ҳужжат

Президентимизнинг 2021 йил 28 июлдаги “Узумчиликни ривожлантиришда кластер тизимини жорий этиш, соҳага илғор технологияларни жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳақида гап кетганда, мутасадди ва мутахассислар ўта муҳим ёки тарихий ҳужжат, деган сўзга урғу беради. Бунинг боиси нимада?

— Мазкур ҳужжат билан анчадан буён тўпланиб қолган муаммолар ўз ечимини топди, — дейди қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Азиз Нурбеков. — Аввало, молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг аниқ дастаклари кўрсатиб берилди. Хусусан, узум плантацияси ташкил этган ташаббускор тадбиркорга ҳар бир гектар учун 10 миллион сўм, 10 гектар ерда томчилатиб суғориш технологияси жорий этилса 120 миллион сўм, инновацион усулда етиштирилган ҳар бир туп узум кўчати учун 5 минг сўм миқдорида субсидия ажратилиши кўзда тутилган.

Токзорларга шпалер ўрнатиш харажатларининг 30 фоизгача қисми бюджетдан қоплаб берилиши, узумчиликда ишлатиладиган асбоб-ускуналар ва техникалар божхона тўловларидан озод этилиши, етиштирилган ҳосилнинг 30 фоизи экспорт қилинса, даромад ва мулк солиқлари 30 фоизга, экспорт 30 фоиздан ошса, 2 бараварга камайтирилиши ҳам соҳибкорларни мамнун этяпти.

Сертификатланган узум плантацияларини ташкил этишни молиялаштириш учун банкларга 100 миллион доллар ресурс маблағлари ажратилди. Бунда, кредит лойиҳа офислари тавсиялари асосида, 14 фоиздан 3 йил имтиёзли давр билан 7 йил муддатга берилиши назарда тутилган.

Маълумки, Олтиариқ туманида ғалла майдонлари қисқартирилиб, 2 минг гектар ерда йирик токзорлар барпо этилган эди. Уларда тумандаги 5 минг нафар аҳоли доимий иш билан таъминланди. Энг асосийси, бунинг эвазига қўшимча 60 минг тонна узум етиштирилиб, унинг экспорти тўлиқ ҳосилга киргандан кейин йилига 200 миллион долларга етиши мўлжалланган.

Кейинги йилларда Фориш, Ғаллаорол, Янгиобод, Чироқчи, Пайариқ, Қўшработ туманларида ҳам янги токзорлар барпо этилди. Шундай тажриба асосида Қорақалпоғистон ва вилоятлардаги 44 та туманда янги экспортбоп узум плантацияларини ташкил этишга киришилди.

Қарорда ушбу тажрибани ривожлантирган ҳолда, аҳоли хонадонларида узум етиштиришни кўпайтириш бўйича ноанъанавий усулда, яъни “тепасида ток — пастида сабзавот” экиш, шунингдек, воиш, сўриток усулларини кескин кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу мақсадлар учун оилавий тадбиркорлик дастури доирасида жорий йилда қўшимча 100 миллиард сўм кредит ажратилиши белгиланди.

Бу жиҳатдан аҳоли томорқалари катта манбага эга. Мисол учун, Булоқбоши туманидаги хонадонларнинг ўзида 5 минг тонна узум етиштирилиб, 15 миллиард сўмгача даромад олиш мумкин.

Ўтган йилнинг ўзида тумандаги 9 та маҳалланинг 21 та кўчасида 2,7 миллиард сўмлик кредит маблағлари ҳисобига 9,5 километр узунликда узум ишкомлари барпо этилди. Фермер хўжаликларида 200 минг тупдан зиёд, аҳоли хонадонларида эса 30 минг тупдан ортиқ серҳосил навлар қаламчалари етиштирилади. Ана шу кўчатлар эвазига беш йил мобайнида тумандаги 24 минг, яъни 80 фоиз аҳоли хонадонида узум парваришлашга замин ҳозирлаш режалаштирилган.

Яқинда “Учкўча” маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган республика семинарида юртимизнинг барча ҳудудларидан келган иштирокчилар Булоқбоши тажрибаси билан бевосита танишиш имкониятига эга бўлди. Маҳалладаги 480 хонадоннинг барчасида узум етиштирилади. Торморқанинг катта-кичиклиги ва қаровига қараб 300 килограммдан 15 тоннагача ҳосил олинади, ҳар бир оила йилига ўртача 15-20 миллион сўм даромад топади.

Ижро ва самара

Дарҳақиқат, қарорда узумчилик бўйича жаҳон бозорларида кечаётган жараёнлар, юртимизда вужудга келаётган янги тажрибалар инобатга олинган ҳолда, соҳани янада ривожлантиришнинг амалий ва молиявий дастаклари аниқ белгилаб берилган. Лекин ҳар қандай ҳужжатнинг аҳамиятини унинг ижроси белгилайди. Шу жиҳатдан олганда, 2021 йилда мамлакатимизда жами 51,3 минг гектар майдонда янги токзорлар барпо этилди. 160 минг гектарда, жумладан, 75 минг гектар хўраки, 64 минг гектар кишмишбоп ва 22 минг гектарда саноатбоп узум етиштирилди. Жами 1,8 миллион тонна узум ҳосили йиғиб олинди.

Бу кўрсаткичлар аввалги йилга нисбатан анча салмоқлироқ. Соҳибкорларимизнинг ташқи бозорларни эгаллашдаги саъй-ҳаракатлари эса соҳа ривожи даражасини белгилайди.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотларига кўра, 2020 йилда 188,1 миллион долларлик 181,2 минг тонна узум маҳсулотлари экспорт қилинган бўлса, 2021 йилда бу борадаги кўрсаткич 207,9 миллион долларни ёки 270 минг тоннани ташкил қилган. Бу экспорт хажми 110,5 фоизга ўсганлигини кўрсатади.

Экспорт жўғрофиясида ҳам ўзига хос янгиланишларни кузатиш мумкин. Яъни, ўтган йили Литва, Эстония, Италия, Чехия, Жанубий Корея, Ироқ, Эрон, Озарбайжон, Арманистон, Грузия, Исроил, Испания каби қатор мамлакатлар бозорларига кириб борилди.

Келгуси 3 йилда мавжуд токзорларда замонавий агротехнологияларни жорий этиш, ерда парваришланаётганларини босқичма-босқич шпалер устунларга кўтариш орқали узум етиштириш ҳажмини 2 баробарга ошириш ва йиллик ўртача ҳосилни 3 миллион тоннага етказиш мўлжалланяпти.

Бу мақсадларга эришишда янгича тизимлар жорий этилиши тараққиёт таянчига айланади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 48 та туман узумчиликка ихтисослаштирилди ва уларга тупроқ-иқлим шароити энг қулай бўлган 131,4 минг гектар ер ажратиб бериляпти. Маҳсулот экспорт қилишнинг тўлиқ жараёнини яратишда 123 та салоҳиятли узумчилик ва виночилик кластери муҳим ўрин тутади. Улар ўз фаолиятини 49,4 минг гектар ер майдонида олиб боради.

Самарқанд вилояти салоҳияти

Ҳозирги кунда Самарқанд вилоятида барча тоифадаги хўжаликларда жами узумзорлар майдони 44,1 минг гектар бўлиб, уларнинг 35,3 минг гектари ҳосилли боғлар ҳисобланади. Ушбу токзорларда бир йилда ўртача 600 минг тонна узум, 90 минг тонна майиз етиштирилади.

Ушбу рақамлар Самарқанд вилояти бу йўналишда республикада биринчи ўринда турганлигидан далолат беради.

— Агар таҳлилларга қарайдиган бўлсак, соҳада яратиб берилаётган имкониятлар натижасида вилоятда сўнгги тўрт йилда 21 минг гектар янги токзорлар барпо этилди, шундан, 4,9 минг гектари 2021 йилда ташкил этилди, — дейди Самарқанд вилояти ҳоким ўринбосари Феруз Абилов. — Вилоят қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортининг учдан бир қисми узум ва майиз ҳиссасига тўғри келаётгани ҳам тармоқнинг ҳудудимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутишини кўрсатиб турибди.

Ҳозирги кунда мавжуд токзорларнинг 11 минг гектаридан ортиғида томчилатиб суғориш тизими жорий этилган, бунинг учун жойларда 378 та тик суғориш қудуқлари қазилиб, фойдаланилмоқда. Ушбу йўналишда ўтган йили 137,2 миллиард сўм кредит ўзлаштирилди.

Токларнинг 85 фоизи кишмишбоп, 9 фоизи хўраки ва 6 фоизи саноатбоп навлар ҳисобланади. Ушбу рақамларнинг ўзи ҳам олдинда турган вазифалар кўламини кўрсатиб турибди. Яқин истиқболда хўраки ва саноатбоп узум навларини кўпайтириб, кишмишбоплари билан посангини тенг ҳолатга етказиш, токзорларни шпалерларга кўтариш чораларини кўриш зарур бўлади. Қолаверса, иқтисодий самарадорлик ҳам шуни тақозо этмоқда.

Ҳисоб-китобларга қараганда, 1 гектар хўраки узум етиштириш учун ўртача 100 миллион сўм харажат қилиб, 4 йилдан кейин йилига 250 миллион сўм соф фойда олиш мумкин. Яна бир муҳим жиҳати, 1 гектар ғалла майдонида 2 киши ишлаб, кўпи билан 20 миллион сўмлик маҳсулот етиштирилса, узумчиликда, айниқса, шпалер усулида 10 нафаргача аҳолини иш билан таъминлаб, 300 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда ўртача 25 минг долларлик экспорт қилиш мумкин. Бундан ташқари, узум кўчати 4-5 йиллик бўлганигача, оралиқ экин экиш орқали яна миллионлаб сўм даромад кўриш мумкин.

— Жорий йилда 20,1 минг гектар янги токзорлар барпо қилиш режалаштирилган, — дейди Феруз Абилов. — Аҳоли хонадонларида узум етиштиришни ривожлантириш дастурлари бўйича 173 та маҳалладаги 81,1 минг хонадонда 1,6 миллион туп кўчат экиш белгиланган. Бу вазифани бажаришга ўтган йил кузида киришилиб, 33,9 минг хонадонда 604 минг туп ток кўчатлари экилган бўлса, айни пайтда бу ишлар якунига етиб боряпти.

Вилоятнинг Иштихон, Қўшработ, Ургут, Булунғур, Тайлоқ ва Пайариқ туманларида узумчилик азалдан яхши ривожланган. 43 та маҳалланинг асосий драйвер соҳаси узумчилик ҳисобланади ҳамда 26 мингдан ортиқ хонадон узумчиликка ихтисослашган. Улар томонидан бир йилда ўртача 4-5 миллион туп кўчат тайёрланаётгани уларга бўлган эҳтиёжни қоплашда алоҳида ўрин тутади.

Кейинги пайтда инновацион усулда етиштирилган кўчатларга талаб ошяпти. Жумладан, Жомбойдаги “Боғбон ин-витро” лабораториясида бир йилда 5 миллион, “Оҳалик олтин боғи мевалари”даги “ин-витро” лабораториясида 4-5 миллион туп сархил навли ниҳоллар етиштириш қувватлари мавжуд.

Бугун дунё тажрибасида ўзини оқлаган “маҳсулот етиштириш — йиғиштириб олиб, сифатли сақлаш — чуқур қайта ишлаш — қўшимча қиймат яратиш — экспорт” “занжири”га асосланган агрокластерлар сонини кўпайтириш ҳам долзарб вазифалардан бири.

Бинобарин, вилоят узумчилик кластерларини равнақ топтириш учун катта салоҳиятга эга. Ундан оқилона фойдаланиш ишлаб чиқарувчиларга қатор устунликлар беради. Негаки, бундай кластерлар рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаш орқали ташқи бозорларга чиқиш имкониятини яратибгина қолмай, балки замонавий агротехнологияларни жорий қилиш туфайли ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдиришга ҳам ҳар томонлама кўмаклашади.

— Бир неча фермер хўжаликлари билан ҳамкорликда кластер ташкил қилдик, — дейди “Шоҳжаҳон” узумчиликка ихтисослашган кластер корхонаси раҳбари Дилбар Жалилова. — Умумий ер майдонимиз 455 гектарни ташкил этади. Мақсадимиз экспортбоп узумлар етиштириб, оз ердан кўп даромад топиш. Қиймати 30 миллиард сўмлик лойиҳа тўлиқ амалга оширилгач, гектаридан 6 минг тонна ҳосил олиш ниятидамиз. Унинг 3 тоннаси экспорт қилинади. 2024 йилга келиб, 820 киши ишли бўлади.

Соҳада амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида жорий йилда вилоятда 20 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилиши таъминланади.

Инновация — ривожланиш таянчи

Бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги экинлари давлат реестрига 50 та узум нави киритилган. Кенг имкониятлар ҳамда табиий ресурсларга эга бўлган Ўзбекистон учун бу анчайин кам, албатта. Илмий тадқиқотлар асосида ҳудудлар тупроқ-иқлим шароитига мос бўлган узумларнинг янги навларини яратиш долзарб масала ҳисобланади.

— Хорижий тажриба асосида узумнинг ҳосилдор, данаксиз, совуққа ва касалликларга чидамли янги навларини яратиш Инновацион ривожланиш вазирлиги зиммасидаги асосий вазифалардан бири ҳисобланади, — дейди Аҳтам Далиев. — Уни амалга ошириш учун вазирлик томонидан 14 та фундаментал ва амалий лойиҳага қарийб 15 миллиард сўм грант маблағлари ажратилган. Уларни амалга ошириш натижасида боғлар ва узумзорларга ишлов бериш учун юқори самарали, ресурс тежовчи ускуналар, узумчилик машиналари жамламалари, юқори клиренсли портал русумидаги тракторлар ишлаб чиқарилади.

Узумларнинг агробиологик хусусиятларини ўрганиш асосида эса экспортбоп хўраки ва истиқболли техник навларни яратиш, эскирган токзорларни қисқа муддатда янгилаш учун сара ниҳолларни in vitro услубида кўпайтириш каби лойиҳалар бўйича ҳам амалий ишлар йўлга қўйилган.

Геномика ва биоинформатика марказида молекуляр ДНК маркерлар ёрдамида илк бор Марказий Осиёдаги 150 дан ортиқ узум навининг генетик паспорти, Европа комиссиясининг GENRES 081 стандарти бўйича Марказий Осиё узум навларининг маълумотлар базаси шакллантирилган. Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги буюртмасига кўра, узумнинг ҳозир кенг экилиб парваришланаётган 135дан ортиқ маҳаллий навининг генетик паспортини яратиш устида иш кетмоқда. Германиялик ҳамкорлар билан бирга, узум геномининг генетик хариталари тузилиб, касалликка чидамли генларига генетик бириккан молекуляр маркерлар аниқланди. Улар асосида биринчи марта узум селекциясини икки баробар тезлаштирадиган, маркерларга асосланган селекция платформаси яратилиб, амалиётда кенг қўлланмоқда.

Геномика ва биоинформатика маркази олимлари томонидан узумнинг қатор маҳаллий ва қадимий навлари, жумладан, истиқболли саккизта нави — “Шардоне”, “Пино-гри”, “Совинён”, “Каберне”, “Дюбре де Марсел”, “Пуке”, “Қизил Мальвазия”, “Алфонс лавале” навлари in vitro усулида кўпайтирилди. Саноатбоп узумнинг 8 нави учун импорт ўрнини босувчи махсус сунъий озуқа муҳити тузилди. Экспорт салоҳияти юқори бўлган маҳаллий хўраки узум навларининг уруғсиз муқобилларини яратиш бўйича илмий изланишлар давом этмоқда.

Халқимиз азалдан етти хазина деганда, сигир, товуқ, асалари, ипак қурти, обжувоз (мойжувоз), тегирмон ва ўрмонни назарда тутган. Ҳозирги кунда эса, бу ҳақда гап борганда, зироатчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик, қуёнчилик ва пиллачилик тилга олинади. Аслида ҳар икки ҳолатда ҳам ҳеч бир янглиш йўқ, уларнинг битмас-туганмас хазина дейилиши, ўзидан-ўзи кўпайишга мойиллиги билан изоҳланади.

Узумчилик зироатчиликнинг таркибий қисмлари сирасига кирса-да, бу тармоқ айни кунда саккизинчи хазина сифатида иқтисодиётимизда муқим ўрин эгаллаб боряпти, юрт маъмурлигига хизмат қиляпти. Маъмурчилик эса эл дастурхонини тўкин, соҳибкорлар меҳнатини манфаатли ва ғурурини сарбаланд қилади.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи

3 МАЙ — ЖАҲОН МАТБУОТИ ЭРКИНЛИГИ КУНИ

АХБОРОТ ЭНГ МУҲИМ ҚАДРИЯТГА АЙЛАНДИ

Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Халқаро шарҳловчилар кенгаши раҳбари

Давримиз ҳақли равишда ахборот асри деб номланади. Жаҳон ягона ахборот майдонига айланиб бормоқда. XXI аср бошларига келиб дунё бутунлай ўзгариб кетди.

Авторучка, ёзув машинкаси, қоғозлар, оддий телефон ва радиожурналистлар тилида репортёр деб аталувчи техника ўрнини мобиль телефон, компьютер, ноутбук, рақамли диктофонлар эгаллади. Журналистлар меҳнати анча енгиллашди. Журналистларнинг бир авлоди кўз ўнгида ахборотни узатиш технологияси бутунлай ўзгарди. Замонавий технологиялар журналистикани “тош асри”дан олиб чиқди ва бу соҳани бутунлай ўзгартириб юборди. Бироқ ОАВнинг холис, тўғри ахборот тарқатиш борасидаги масъулияти ўша-ўшалигича қолиши керак эди. Минг афсуски, баъзи ҳолларда бунга амал қилинмаяпти.

Ҳаёт ҳақиқати кўрсатмоқдаки, ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан икки хил мақсадда — эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин. Замонавий дунёда ахборот шу қадар кўпки, тарқатилаётган маълумотнинг қай бири тўғри, қай бири нотўғрилигини аниқлагунча инсон онги биринчи тарқалган хабарга мослашган бўлади. Радио ва телевидение пайдо бўлганидан кейин дунё ўзгариб кетди. Интернет пайдо бўлиши билан эса бутунлай ўзгарди. Ахборот озчиликнинг эмас, барчанинг мулкига айланди.

Ҳозир ер юзининг қайси чеккасида қандайдир воқеа юз бермасин, дунёнинг бошқа чеккасида турган киши, бу ҳақда зудлик билан хабар топади. Бугунги кунда замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тиғиз, шу қадар тезкорки, энди илгаригидек, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, дея бепарво қараш хато бўлади. Ҳаётимизнинг бирор соҳасини ахборотсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Бугун ахборот энг муҳим қадрият саналмоқда. Ахборот эса оммавий ахборот воситалари томонидан тарқатилади. Айрим ҳолларда матбуот одамларга салбий таъсир кўрсатишидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Буни биз дунёда юз бераётган ҳодисаларнинг нотўғри талқин қилинган ҳолда ёритилаётганидан кўриб, билиб турибмиз. Эркинликка интилиш ҳар бир журналист олдида турган вазифа, аммо чегарани билиши шарт. Медиажамият олдида ўз зиммасига муайян мажбуриятлар олиши керак. Бу мажбуриятлар ахборот тарқатишда ҳалоллик ва адолатни талаб қилади.

Жамоатчилик фикрини чалғитиш айнан оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилаётгани ҳам бор гап. Одамлар онгини, дунёқарашини ёт ғоялар таъсирига бўйсундиришга интилиш ҳолатлари айнан матбуот орқали амалга оширилаётгани ташвишлидир. Баъзилар ахборотдан ўз мақсадларига эришишда фойдаланмоқда.

Америкалик тадқиқотчи Г.Лассуэлл ОАВнинг тўртта вазифаси борлигини таъкидлаган эди: жаҳонни кузатиб бориш (ахборот тўплаш ва тарқатиш), таҳрир қилиш (ахборотни танлаб олиш ва шарҳлаш), жамоатчилик фикрини шакллантириш, маданиятни тарқатиш. Медиа жиноятчиликни, зўравонликни тарғиб қилмаслиги, фуқаролар ҳуқуқларини камситмаслиги зарур. Бу матбуот эркинлигини чеклашни англатмайди. Шу ўринда “эркинлик истаб” йўл қоидаларини бузган ҳайдовчи келтирган нохуш ҳодисани мисол сифатида айтиш мумкин. Демократия экан деб журналистика этикасини бузганлар ҳам

жамиятга жуда катта зиён келтиришини англаб етиши керак.

“Тўртинчи ҳокимият” деб юритилаётган бўлишига қарамай, ОАВни ҳукумат ёки тижорат тузилмаси деб эмас, балки том маънодаги фуқаролик жамияти институти сифатида кўриши мақсадга мувофиқдир.

Хулоса ўрнида Президентимизнинг “Жамоат назорати ва оммавий ахборот воситалари эркинлиги масаласида ортга қайтиш бўлмайди”, деган сўзларини келтириб ўтмоқчиман. Ҳа, энди талаблар ўзгарди. Кўзни каттароқ очиб, ён-атрофимиздаги воқеа-ҳодисаларни теранроқ англасак, айни муддао бўлар эди. Биз бугун қандай шиддат билан ўзгараётган ва ривож топаётган, илгари учрамаган, ечими ўта оғир ва мураккаб турли муаммоларни туғдираётган XXI асрда яшаётганимизни бир зум бўлса-да, эсимиздан чиқармаслигимиз лозим.

ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁ НИГОҲИДА

Токиодан муносабат:

Ўзбекистон қонун устуворлигига асосланган эркин ва очиқ халқаро тартиб ўрнатишда муҳим ҳамкор

Япония ташқи ишлар вазири Ёшимаса Хаясининг 29-30 апрель кунлари Ўзбекистонга ташрифи “Кунчиқар юрт” оммавий ахборот воситаларида, жумладан, NHK корпорацияси веб-саҳифасида кенг ёритилди.

Япония ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбарининг Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва мамлакатимиз ҳукуматининг юқори мартабали аъзолари билан учрашувларига алоҳида қизиқиш билдирилган.

Давлатимиз раҳбари Ёшимаса Хаясини самимий қутлагани ва Ўзбекистонга амалга оширилган ушбу ташриф мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликнинг янги истиқболларини очиб беришини алоҳида таъкидланганига урғу берилди. Шунингдек, Япония ҳукуматининг Ўзбекистон инфратузилмаси ва инсон ресурсларини ривожлантиришдаги ёрдами учун миннатдорлик билдирилгани, япон компанияларининг республикамиздаги фаол сармоявий фаолияти юқори баҳолангани, 2019 йилда Японияга олий даражадаги ташриф давомида эришилган барча келишувлар ҳаётга изчил татбиқ қилинаётгани қайд этилганига эътибор қаратилди.

Кунчиқар юрт ташқи ишлар вазирининг сўнгги 12 йилда Ўзбекистонга биринчи ташрифи икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги нишонланаётган йилда амалга оширилганида рамзий маъно борлиги таъкидланган.

Нашр Япония ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари Ўзбекистон қонун устуворлигига асосланган эркин ва очиқ халқаро тартиб ўрнатишда муҳим шерик экани, Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил декабрь ойида Японияга ташрифи эса икки мамлакат ўртасидаги стратегик шерикликни янада чуқурлаштириш ва кенгайтиришга туртки берганини қайд этганини маълум қилган.

“Дунё” АА

Токио

Юртимизнинг сайёҳлик салоҳияти Эронда тақдим этилди

Ўзбекистоннинг Эрондаги элчихонаси вакиллари 28-30 апрель кунлари Техронда бўлиб ўтган Ислом дунёси мамлакатларининг миллий либослари ва урф-одатлари халқаро кўргазмасида иштирок этди.

Тадбирнинг очилиш маросимида Эрон Маданият вазирлиги, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Маданият институти, ЮНЕСКО Минтақавий маркази ваколатхонаси, Эрон мода ва кийим-кечакларни тартибга солиш ташкилоти раҳбарияти, шунингдек, ижтимоий-сиёсий доиралар, дипломатик корпус ва Теҳронда аккредитациядан ўтган халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Кўргазма доирасида мамлакатимиз элчихонаси томонидан ўзбек халқининг тарихий анъаналари, турмуш тарзи ва азалий урф-одатларини ўзида мужассам этган миллий либосларимизга бағишлаб Ўзбекистон стенди ташкил этилди.

Кўргазмага ташриф буюрганлар Ўзбекистон халқ амалий санъати, мамлакатимизнинг машҳур сайёҳлик объектлари, қизиқарли саёҳат йўналишлари, меҳмонхоналар ва хизмат кўрсатиш инфратузилмаси ҳақидаги маълумотлар билан танишиш имкониятига эга бўлди.

Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари, бетакрор меъморий обидалари, сайёҳлик масканлари, миллий таомлари, гўзал табиат манзараси ва замонавий тараққиётига бағишланган фотокўргазма томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

Меҳмонларга мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти, ўзбек халқининг маданияти ва меҳмондўстлиги ҳақида батафсил ҳикоя қилувчи турли тарқатма материаллар тақдим этилди.

“Дунё” АА

Теҳрон

ТИББИЁТ

Эрта тонг. Наманган шаҳар марказий шифохонасининг сокин саранжом-саришта ҳовлиси. Манзарали дарахтлар ва ғунчалаган атиргуллар кўнгилга ором, яхши кайфият беради. Йўлакдан “Маъмурият” деб ёзилган бинога бурилдим.

ОМОН БЎЛСАНГ, ОЛАМ СЕНИКИ

Орифжон ЖЎРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Шаҳар тиббиёт бирлашмаси раҳбарининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари, жарроҳ Ҳалимжон Алимов қисқа мажлис ўтказаётган экан. Эшик қия очиқ. Кўп ўтмай ходимларга кун тартиби юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилди. Йиғилиш якунида: “Ҳар бир бемор доим қатъий назоратимизда ва эътиборимизда бўлишини, бунга масъул эканлигимизни унутманг!” деган сўзлар қулоғимга чалинади...

Президентимиз яқинда тиббиёт ходимлари билан ўтказган очиқ мулоқоти чоғида “Ҳар бир вилоят ҳокими тиббиёт масалалари билан шахсан шуғулланиши шарт ва улардан сўров қаттиқ бўлади. Энди, ҳар ой бошида қилинган ишлар ва янги ой режаларини ўзим эшитиб бораман. Очиқ мулоқотдан кейинги ўзгаришларни нафақат тиббиёт ходимлари, балки ҳар бир хонадон сезиши шарт”, — дея таъкидлаган эди.

Шифохонада тегишли масъулга юзланиб, мақсадимни маълум қилдим. Давлатимиз раҳбари томонидан ўша учрашувда соҳа вакилларига берилган топшириқларнинг апрель ойидаги ижроси билан қизиқдим.

Маълум қилинишича, Наманган шаҳар тиббиёт бирлашмаси таркибига кўп тармоқли марказий ва 16 та оилавий поликлиника, шаҳар марказий ва болалар шифохонаси, 3 та туғуруқхона, 1-шаҳар шифохонаси — жами 23 та тиббиёт муассасаси киради. Ўнта йўналиш бўйича иш режалар тайёрланиб, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғига бажарилган ишлар юзасидан кунлик ахборот бериб борилиши йўлга қўйилган.

Президентимизнинг тиббиёт ходимлари билан бўлган очиқ мулоқотидан келиб чиқиб, Наманган шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Шокиржон Ҳайдаров шаҳар аҳолисига тиббиёт ходимларининг келгусидаги саъй-ҳаракатлар ифодасини топган Мурожаатномани ижтимоий тармоққа жойлади. Бундан мақсад — кун тартибидаги долзарб вазифаларни халққа, соҳа мутасаддиларига етказиш, аҳоли соғлиғини “хонадонбай”, “фуқаробай” ўрганиш, тиббий маданиятни кучайтириш, улар орасига чуқур кириб бориш.

Мавжуд оилавий поликлиникаларга шаҳар марказий шифохонаси бўлим мудирлари, кўп тармоқли марказий поликлиника тор доира соҳа мутахассислари бириктирилган. Апрель ойида 40 ёшдан ошган, хавф гуруҳига кирувчи олти мингга яқин аҳолининг 1 минг 200 нафари, шунингдек, уч юзга яқин бола скрининг текширувдан ўтказилди. Тизимдаги барча муассасаларда кардиологик, эндокринологик, онкологик скрининг текширувлар мобиль иловага киритилмоқда. Электрон поликлиникалар ҳам фаолият бошлаган. Наманган шаҳрида апрель ойи охирида иккита оилавий поликлиника очилиши режалаштирилган...

Тасаввурлар ўзгармоқда

Қабулхонада янги келган беморнинг ҳужжатлари узоғи билан беш дақиқада расмийлаштирилянпти. Умумий терапия бўлимида оддий фуқаро сифатида врач қабулига ёзилдим. Мазкур бўлим мудири Раҳматулло Тўрахоновга саволларим юзасидан тиббиёт ходимлари ва беморлар билан суҳбатлашмоқчи эканлигимни айтдим.

Унинг маълум қилишича, мазкур бўлим ташкил этилганига йигирма йил бўлибди. Ҳозир 40 ўринга мўлжалланган 16 та хона мавжуд. 34 нафар тиббий ходим ишлайди.

— Кўп йиллар шаҳар тиббиёт бирлашмасида ишладим, — дейди Р. Тўрахонов. — Соҳамиз назардан четда қолган мураккаб пайтларни ҳам

кўрдик. Кейинги йилларда тизимга эътибор бутунлай ўзгарди. Инсон қадри, аввало, унинг саломатлигини таъминлаш билан боғлиқлиги устувор даражага кўтарилди. Аҳолини даволаш, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун шарт-шароит, имкониятлар жадаллик билан кенгайиб боряпти. Ишга фидойилик, меҳр билан ёндашилса бас, беморларни тезроқ соғлом ҳаётга қайтаришдек шарафли вазифани, албатта, уддалаймиз...

11-палатада даволанаётган Муножот Дадамирзаевани суҳбатга тортдик.

— Менга жигар циррози ташхиси қўйилган, — дейди у. — Иккинчи гуруҳ ногирониман. Баъзида ҳудудимиздаги 10-поликлиникага қатнаб даволанаман. Йилда бир-икки марта шу бўлимга келаман. Оилавий шароитимиз яхшимаслиги сабаб шифохонага имтиёзли жойлашиб даволанаман. Бир ҳафта аввал мадорим қуриб, қон босимим пасайиб кетганди. Очиғи, яхши қараб даволашганидан кейин анча тузукман. Шифокорлар, ҳамшираларга раҳмат. Муолажаю муомалаларидан миннатдорман.

Бемор миннатдорлиги — шифокорга берилган баҳо

Бинога кираверишдаги шикоят ва таклифлар қутиси диққатимни тортди. Уларда асосан миннатдорлик билдириб ёзилган хатлар экан.

— Тўғриси, қутига аксари миннатдорлик хатлари ташланаётганидан хурсандмиз, — дея суҳбатимизга қўшилди бўлим шифокори Малика Жакбарова. — Албатта, бундан масъулиятни асло сусайтиришимизга ўрин йўқ. Тўғри, баъзан кутилмаган, бизга боғлиқ бўлмаган вазиятларга ҳам дуч келамиз. Биз шифокорлар учун касб-кори, лавозими ёки бошқа бирор жиҳатдан қатъи назар, барча тенг. Уларнинг тезроқ соғайиб кетиши учун қўлимиздан келганини қиламиз. Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганидек, беморларни фақат дори билан эмас, балки меҳр билан, ақл билан даволаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Муболағасиз айта оламан, улар учун яқин кишимиздек қайғурамиз. Аслида, ҳар бир бемор ўзи мисолида тиббиёт тизимига баҳо беради. Айнан беморларнинг миннатдорлиги орқали бутун соҳага ижобий муносабат шаклланади.

Давлатимиз раҳбари томонидан Наврўз байрами арафасида тиббиёт ходимлари билан бўлган ва тарихий аҳамиятга эга очиқ мулоқотда алоҳида таъкидланганидек: “Ҳаёт ҳақиқати шуни кўрсатадики, фақатгина соғлом халқ, баркамол миллат буюк ишларга қодир бўлади. Эл-юртимиз азалдан шифокорларни, инсон саломатлигини асрашдек эзгу ва савобли ишга бутун борлиғини бағишлаган фидойи зотлар, деб билади ва ҳамиша қадрлайди. Чунки одамлар сизларга ўзларининг энг бебаҳо бойликларини — ҳаётларини ишониб топширади”.

— Ўттиз йилдан буён касбимга доғ туширмасликка, унга муносиб бўлишга, вазифамга ҳалол ёндашишга интиламан. Шундан хотиржамлик топаман, — дейди яна бир суҳбатдошимиз, врач Акбарали Жўраев. — Одамларнинг ишончини оқлаш, хизматимиздан розилигига эришишга ҳаракат қиляпмиз. Беморлар шифо топганда кўзларидаги мамнунлик, хурсандчилик бизга қувонч бағишлайди.

Бу шифо масканида ҳамшираларнинг беморларга меҳр ва жонкуярлик билан муносабатда бўлишига гувоҳ бўлдик. Уларнинг “Биз сизларга қўлимиздан келганча ёрдам берамиз. Аммо бу ерга камроқ келиш учун ҳеч бўлмаса йилда бир маротаба профилактика учун шифохоналарда стационар даволанишга, сиҳатгоҳларда дам олишга ҳаракат қилинг” деган мазмундаги самимий суҳбатларини ҳам эшитдик. Мутахассислар беморларга нафақат тиббиий муолажа, шу билан бирга, доим меҳр, самимий сўз билан ёндашилганда ҳар қандай дори-дармон, ҳатто жарроҳлик амалиёти янада яхши самара беришини таъкидлайди.

Гувоҳ бўлганимиз, аввало, яхши мутахассислар, керакли шарт-шароит, замонавий тиббий жиҳозлар борлигини кўриб бир қувонсак, ходимларнинг меҳрли муносабати, ғамхўрлигини кўриб ундан-да мамнун бўлдик. Зотан, уларнинг беморларга бўлган чин эътибори ва меҳридан далолатдир.

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

ХАЛҚ ҚАЛБИДА ҚОЛГАН СИЙМОЛАР

АБДУЛЛА ОРИПОВ 1941 ЙИЛНИНГ 21 МАРТИДА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ КОСОН ТУМАНИДАГИ НЕКЎЗ ҚИШЛОҒИДА, “СТАЛИНГРАД” ЖАМОА ХЎЖАЛИГИНИНГ МИРИШКОР, ҲАМИША ХАЛҚҚА ҚАЙИШГАН РАИСИ ОРИФ АКА УБАЙДУЛЛАЕВ ВА УШБУ ХЎЖАЛИКНИНГ ИЛҒОР АЪЗОСИ, НАМУНАЛИ УЙ БЕКАСИ ТУРДИ АЯ КАРВОН (АЙРИМ МАНБАЛАРГА КЎРА БОЗОРБОЙ) ҚИЗИНИНГ САХОВАТЛИ, СЕРФАРЗАНД ХОНАДОНИДА ДУНЁГА КЕЛАДИ.

“Дунё бўлди чаманим маним”

...“Аввало, бу таклиф менга маъқул. Лекин менинг ҳам таклифим бор. Киночиларимиз Абдулла Орипов ҳаёти ва ижодига оид алоҳида бир фильм ишласин... У киши билан кўп ҳамсуҳбат бўлганман. Битта шеър ёзиш учун ўнта китоб ўқирди. Таҳририятларга шеърини бериб, ўн марталаб ўзгартириб, маромига етказарди. У кишининг ишга, сўзга масъулияти кучли бўлган”.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Президентимизнинг Қашқадарё вилоятига сафари чоғида косонлик фаоллар Абдулла Орипов номидаги республика танлови ўтказиш ҳақидаги таклифига муносабат билдириб, айтган юқоридаги сўзларини ҳаяжон билан тинглар эканман, ўзбекнинг буюк шоири билан кечган воқеалар бир-бир кўз олдимдан ўта бошлади.

* * *

2017 йил 25 октябрь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Туркияга давлат ташрифи чоғида миллий адабиётимиз солномасига зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйиладиган унутилмас воқеа юз берди. Икки дўст, ҳамкор давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда Президент Режеп Таййип Эрдоған жаноблари Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг “Ўзбекистон” шеъридаги:

“Музаффар бўл, ғолиб бўл, ўктам,
Дўсту ёринг, қардошинг билан.
Асрларнинг силсиласида
Боқий турғай кошонанг сенинг.
Улуғ башар оиласида
Мангу ёруғ пешонанг сенинг...”

деган ажойиб сатрларни катта эҳтиром билан ёддан ўқиб берди.

Давлат раҳбарлари расмий учрашувларда кўпам адабиётга, айниқса, шеъриятга мурожаат қилавермайди. Туркия Президентининг Абдулла Орипов ижодига эътибори, шоирнинг ажойиб шеъридан бир парча ўқиши, бу ўзбек адабиётининг катта эътирофи эди.

* * *

Абдулла ака 1999 йили Ёзувчилар уюшмасининг аъзолик гувоҳномасини топширганида “Нафсиламбрини айтсам, сен биз билан қорақалпоқ адабиёти орасида кўприк бўласан”, деган эди. Тез орада уюшманинг Элликқалъа шўъбаси тузилди ва 2000 йил 12 июнда беш нафар халқ шоири — Абдулла Орипов, Жуманиёз Жабборов, Омон Матжон, Усмон Азим, Муҳаммад Юсуф ва яна ўн нафардан кўпроқ адабиёт ва маданият вакиллари самолётда Урганчга учдик. Уюшма ва мен ишлаётган “Халқ сўзи” — “Народное слово” газеталари таҳририяти Бўстон шаҳрида “Ақчакўл илҳомлари” адабий анжуманини ташкил этди.

Самолётдан тушиб, Амударёнинг понтон кўпригида турганимизда Абдулла ака мени четга тортиб, “Асосий тадбиримиздан ташқари икки яхши мақсад билан келяпман. Биринчиси, Абу Райҳон Беруний бобомизнинг Зокиржон Машрабов келтирган ҳокига таъзим қилиш. Иккинчиси, Ибройим оғани кўриш. Шуни ҳисобга олиб кўй”, деди.

Буюк мутафаккирнинг рамзий қабрини зиёрат қилдик. Ўша куни Абдулла ака ва Жўқорғи Кенгес Раиси Тимур Камолов иштирокида шеърият байрами очилиб, икки кун давом этди. Эртасига Тупроққалъа ва Аёзқалъани зиёрат қилганимизда Абдулла ака “Бугун менинг кўз ёшларим ичимга оқяпти. Чунки улар кувонч кўз ёшларидир. Мен бундай топ-тоза, яп-яқин ва мовий осмонни биринчи марта кўришим. Саҳрога қаранг, биз уни шунчалар гўзал деб ўйлаганмидик?”, деди. Халқ шоири Усмон Азим “Абдулла ака! Илтимос, шу саҳрони менга совға қилинг”, деди. “Ортингдан Бойсуннинг дашти эргашган эди. Бу саҳрони ҳам эргаштира қол. Бердик сенга. Маъқулми?”, деб Қорақалпоғистон ҳукумати раисининг муовини Татлимурат Атамуратовга қаради устоз. Татлимурат Жумамуратов бош силкиб, кулиб юборди.

Абдулла ака билан Тимур Камолов Тошкентда ёнма-ён яшашган. Бир кун олдин “Кечқурун уйда кутаман!” деган эди. Абдулла ака билан турмуш ўртоғи Ҳанифа опа бир машинада, Муҳаммад Юсуф билан мен иккинчи машинада Нукусга отландик. Меҳмондорчилик авжига чиқди. Бир пайт Тимур Камоловичнинг ёрдамчиси кириб, менга “Сизни Президент девонидан сўрашяпти” деб шаҳар телефонининг гўшагини берди. Масъул ходим “Устозингизни тез аэропортдан жўнатинг. Ерталаб давлат раҳбари билан самолётда Душанбега учади”, деди. Қўл ювадиган хонада соқолини қиртишлаётган Муҳаммад Юсуф нима гаплигини сўради. Айтдим.

Устозни, Ҳанифа опани, Муҳаммад акани “АН-24” бортигача кузатдим. Самолёт бортида Абдулла акага “Ибройим оғага саломингизни, узрингизни айтаман”, дедим. Устоз кулимсираб қўйди. Ва ўша йилнинг 9 сентябрь куни Аҳмаджон Мелибоев билан бирга келиб Нукусда, Бердақ номидаги театрда “Маманбий афсонаси” муаллифининг 70 йиллигида қатнашганида Ибройим оға билан учрашди. Минбардан туриб “Агар дунё халқларининг рамзий паради ўтказиладиган бўлса Кунхўжа, Ажиниёз, Бердақнинг ортидан Тўлепберген ва Ибройим юрган бўларди”, деди. Бу беқиёс баҳо гулдурос қарсаклар билан олқишланди.

* * *

Абдулла акани мамлакатимизнинг барча жойларида халқ қучоқ очиб, нонтуз ва гуллар билан кутиб оларди. Минг йиллик одатимизга кўра, елкасига беқасам тўнлар ёпарди. Кези келганида айтиш жоизки, у киши ҳам ниҳоятда қўли очиқ инсон эди.

Бир куни иккимиз уюшманинг Жавоҳарлаъл Неру кўчаси, яъни зарбхона ёнидаги биносидан узоқ бўлмаган ошхонада овқатланиб ўтирганимизда:

— Агар ҳозир мен нимани ўйлаб турганимни топсанг, худди Миртемир ака “Бўтам, бўтам!” деб Носир Фозиловга костюм-шим олиб берганидек, сарполик бўласан! — деди. Узоқ ўйланиб:

— Улуғ шоир, қаҳрамон, сенатор бўлсам ҳам, дўстни камайтириб, душманни кўпайтирадиган раис лавозимида бўлмасам эди, деган хаёлдасиз! — дедим таваккалига. Жавобни тўғри топган эканман шекилли, Эски Жўвага бориб, дўкондан иккита оқиш рангли костюм-шим олдик. Эртасига Зоминга жўнадик. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Шуҳрат Жабборов устоз билан иккимизнинг костюм-шимимиз бир хил эканини кўриб, “Абдулла ака! Учовимиз бир суратга тушайлик”, деди. Ўша сурат кейин “Ёшлик” журналида эълон қилинди.

* * *

Бу улуғ ва оддий, беғубор ва бедор, ўйчан ва самимий, ўжар ва машҳур инсоннинг “беш кунлик дунёдаги меҳмонлик муддати” 2016 йил 5 ноябрь пешинида “битди”. Ўша сонияда руҳиятимизда чақмоқ чақиб, момоқалдироқ гулдираб, қалбларимиз ўнгини мусибатнинг маҳзун булути қоплади-ю, бизлар учун олти оқшом — 10 ноябргача кунлар ботди, аммо тонглар отмади.

Бизнинг оға-инилик муносабатларимиз беғубор эди. Мен икки қоидага қатъий амал қилганман. Биринчиси, шунча йил давомида бирор марта унинг олдига илтимос билан бормадим. Оғам ундан тез-тез хабар олиб туришимни истарди. “Дўрмон” ижод уйига борсам, аввал унинг ҳовлиси орқали ўтишимга кўникиб қолган эди. 2016 йилнинг 17 июлида ажойиб шоир Минҳожиддин Мирзо қизини турмушга узатиши муносабати билан дастурхон ёзди. Ош еб чиққанимиздан кейин устоз юз нафарча одамнинг олдида “Қаерларда юрибсан?” деб мени койиди. Ҳамма ҳайрон.

Шунда шоир Турсун Али бир кун олдин ҳукумат шифохонасида рафиқам Ҳожибека операция бўлганини, ошга тўғри касалхонадан келганимни айтди. “Нега хабар бермадинг. Келинимдан ўзим хабар олар эдим-ку!” деб яна қаттиқроқ койиди. У шундай оқибатли инсон эди. Иккинчиси, гарчанд у менинг айрим китобларимга юрагининг тўр-тўридан чиққан ниҳоятда самимий жумлалар билан сўзбоши ёзиб берган, Ёзувчилар уюшмасида бир неча китобларимнинг тақдимотини бошқариб, нақадар илиқ гаплар айтган бўлса-да, мен ўзимни шоир Абдулла Ориповнинг оддий бир мухлиси, оддий бир иниси деб ҳисоблайман. Ини эса ўз оғасининг ота-онаси, сулоласини яхши билиши лозим. Шундан келиб чиқиб, жаҳонга маълум шоир таржимаи ҳоли, оиласига оид бир қанча маълумотларни келтиришни жоиз деб билдим.

“Кўзга ёш берилган, бармоққа узук,
Той босиб келгайдир отнинг изини.
Силсила бардавом бўлмоғи тузук,
Ҳар ким зурёдида кўргай ўзини...”

* * *

Абдулла Орипов 1941 йилнинг 21 мартида Қашқадарё вилояти Косон туманидаги Некўз қишлоғида, “Сталинград” жамоа хўжалигининг миришкор, ҳамиша халққа қайишган раиси Ориф ака Убайдуллаев ва ушбу хўжаликнинг илғор аъзоси, намунали уй бекаси Турди ая Карвон (айрим манбаларга кўра Бозорбой) қизининг саховатли, серфарзанд хонадонида дунёга келади.



Энг аввал, Ориф бобо шахсида намоён бўлган саховат, фавқулодда қунт ҳақида бир мисол келтиргим келди. Иккинчи жаҳон уруши ҳал қилувчи паллага кирган кез. Барча жойда бўлгани каби Қўнғиртовда ҳам ҳар бир буғдой бошоғи ҳисобда. Одамлар оч. Йиғиб олинган буғдой хирмондан тўғри фронтга юборилябти. Шунда Ориф раис ўз қўл остидагиларнинг қулоқларига бир “тавсия”ни шивирлаб айтади: “Азизларим! Ишга келганда катта-катта калиш кийиб келинглар ва қайтаётганингизда хирмоннинг устидан ўтиб кетинглар. Уйингизга бир неча миқол бўлса-да буғдой борсин!”

Биттагина шу йўл билан Қўнғиртовда ўнлаб одамлар тирик қолган экан.

“Минг қўшчига бир бошчи бўлиш” билан бирга Ориф раис ва унинг оқила рафиқаси Турди ая машаққатли замонларда 8 нафар фарзандни оқ юқиб, оқ таради. Уларнинг тўнғич қизи Ирисой ўн, тўнғич ўғли Халил тўққиз, Мелижон беш, Абдураззоқ тўрт, Абдулла олти, Зулфия тўрт, Бибисора тўрт, Ойсора олти фарзандни тарбиялаб вояга етказди.

Инсоний фазилатларга бой Ориф ота билимли, заковатли зот эди. Шу боис бўлса керак, неваралар бобоси ва бувисига ўхшади.

Фарзандлари — Мелижон ака Киев университетида диссертация ёқлаб, фалсафа фанлари номзоди, Қарши давлат университети кафедра мудири, декан, Абдураззоқ ака Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти профессори (ҳозир ҳам шу лавозимда), Абдулла ака Японядаги Сока университети фахрий профессори, Бибисора опа Самарқанд тиббиёт институти доценти, тиббиёт фанлари номзоди, мамлакатга маълум пластик жарроҳ, Ойсора опа новатор муаллима, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими бўлиб етишди.

... Ориф ота Убайдуллаевнинг тўртинчи ўғли Абдулла Орипов аввал Обидийда қишлоғидаги бошланғич, кейин Ертепа овулидаги саккиз йиллик мактабда ўқиди. 1958 йили Тўқманғит қишлоғидаги “Комсомол” номли ўрта мактабни олтин медаль билан битирди. У пайтлари бу таълим даргоҳининг директори ўзининг тўнғич акаси Халил Орипов (1932-2009) эди. Халил ака аввал Қарши педагогика техникумини, кейин Қарши ўқитувчилар тайёрлаш институтини, ундан сўнг Бухоро давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини, кейинчалик Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг агрономия факультетини битирган.

Бўлғуси шоирда Қошғарий, Яссавий, Боқирғоний, Лутфий, Навоий, Бобур, Нодира, Огаҳийларнинг сеҳрли оламига қизиқиш уйғотган ҳам Халил ака эди. Халил аканинг жуфти ҳалоли Ойтўра ая Қодирова ҳам китобга, фольклорга қизиққан аёл бўлган. Халил Орипов кўп йил Косон туман халқ таълими бўлими мудири, 1974 йилдан туман ижроия қўмитаси раиси, 1977 йилдан Ворошилов номидаги жамоа хўжалиги раиси бўлиб, отаси Ориф Убайдуллаевнинг ишларини давом эттирди...

Ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари ўртасида Некўзда янги анъаналар асосида шоир Абдулла Орипов ва ёш, сулув муаллима Ҳанифа Мустафоеванинг никоҳ тўйи бўлиб ўтган эди. Аллоҳ уларга Шоира, Юлдуз, Зарифа, Мавлуда (АҚШнинг Техас штати Хьюстон муниципалитети халқ таълими шўъбасига мудиралик қилмоқда), Илҳомжон, Рухсорадек бири биридан ширин-шакар фарзандларни ато қилди.

Абдулла Орипов 1958 йили Ўрта Осиё давлат университети — САГУ (ҳозирги Миллий университет)нинг журналистика факультетига ўқишга кирди. Бу пайтлари шўро мафкураси тазийқларига қарамасдан Ғафур Ғулом, Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Зулфия каби устоз шоир ва адиблар ижодининг авж палласи эди. Уларнинг олти нафари ҳам навбатма-навбат “Митти юлдуз” (шоирнинг илк китоби шундай номланган) шуъласини юракдан пайқаб, унинг порлашига кенг йўл очиб берди.

1963 йили университетни тугатган шоир ёшлар нашриётига муҳаррир лавозимига ишга киради ва қайноқ ижодий фаолиятини бошлайди. Шу ўринда ҳозирги замон ўзбек адабиётининг энг ёрқин сиймоларидан бирига айланган шоир таржимаи ҳолининг бир қиррасига алоҳида тўхталиш жоиз.

Шоир лирик қаҳрамонида мустамлака тузумга нисбатан туғён устун бўлгани, айрим ҳолларда унинг ўзини турмуш ташвишлари хиёл қийнагани учун Абдулла Ориповни давр жабрдийдаси деб ҳисоблаш нуқтаи назари ҳам бор. Аслида бу баҳо тарихий ҳақиқатга тўғри келмайди.

У халқнинг кўз ўнгида ўнлаб мағзи тўқ китобларини чиқарди, навқирон чоғида ёшлар, бир оздан сўнг республика давлат мукофоти лауреати бўлди. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, “Шарқ юлдузи” журналидек нуфузли жойларда ишлади. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси котиби, уюшманинг Тошкент вилоят бўлими раҳбари, муаллифлик ҳуқуқи агентлиги етакчиси, “Гулхан” журналининг Бош муҳаррири, мустақилликдан кейин узоқ йиллар Ёзувчилар уюшмаси раиси бўлди. Собиқ Иттифоқ парламенти аъзолигига сайлади. У мазкур парламентда машҳур адибларимиз Одил Ёқубов, Тўлепберген Қаипбергенов, академик Эркин Юсупов ва бошқалар билан ҳудудий манфаатларимизни ёқлаб чиқди. Истиқлолдан сўнг Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ депутати, сўнгра Олий Мажлис Сенати аъзоси бўлди. Шундан келиб чиқиб замонамизнинг забардаст шоири, мустақил Ўзбекистон Республикаси Давлат Мадҳияси муаллифи Абдулла Ориповни ўз даврининг атоқли сиёсат арбобларидан бири сифатида ҳам эътироф этмоқ керак.

* * *

Лолақизғалдоқлар уфққача ўзининг алвон гиламларини тўшаган Қўнғиртов адиридаги ёлғиз оёқ йўлдан мақсад сари одимлаган шоир навбатма-навбат Тошкент, Олмаота, Бишкек, Ашхобод, Душанбе, Деҳли, Токио, Пекин, Кобул, Теҳрон, Истанбул, Скопье, Женева, Рим, Париж, Сан-Франциско, Торонто, Кизил, Москва, Санкт-Петербург, Таллин, Рига, Вильнюс, Кишинёв, Минск, Киев, Ереван, Тбилиси, Боку ва бошқа шаҳарлардаги поэзия минбарларига кўтарилди. Тинчлик, тотувлик, дўстлик куйчисига айланди. Ўтли сатрларида урушга, зўравонликка қарши исён кўтарди. Бешафқат оломон чангалида ҳалок бўлган норасидага қарата “Римга нега келдинг тунислик бола?” деб ҳайқирди.

“Менга ёлғизсан,
деб чимирмагил қош,
Турфа савдоларга ошнодир бу бош.
Барча мағлубият менинг дўстимдир,
Барча йўқотишлар
менга қариндош...”

Ҳақиқатан ҳам у ёлғиз эмас эди. Бир умр атрофида содиқ сафдошлари, самимий дўстлари, миннатдор мухлислари, жигарлари парвона эди. Йўқотишлар ҳам оз бўлгани йўқ...

* * *

Абдулла ака билан мамлакатимизнинг жуда кўп жойларида сафарда бирга бўлганимизни айтдим. Шоир Истанбулга, даволовчи шифокори Илёсбей афандининг ҳузурига, кейинги йили Техасга, Хьюстон клиникасига, амриқолик шифокори Павел жанобларининг олдига кетаётганларида, у ерлардан хуш кайфият билан она юртга қайтиб келганида, ниҳоят 2016 йилда яна ўша минтақага отланганида шоир билан узоқ-узоқ суҳбат қурганмиз.

“Қайтиб келганимда яна бир бора Хивага, Полвон пирга, кейин Мўйноққа, Ҳаким Ота — Сулаймон Боқирғоний зиёратига олиб борасан”, деган эди. Энди бу сафарлар ва дийдор қиёматга қолди...

... Олти оқшом тонглар отмади. Олти оқшом кўзларимизда ёш билан устознинг эшиги олдида турдик. Биринчи кечаси ярим тунгача устознинг акаси, профессор Абдураззоқ Орипов Абдулла аканинг болалиги, талабалик даврлари, Кибриё опадан Қаҳҳор домла чорбоғининг ярмини харид қилиш тафсилотларини гапириб берди. Иккинчи кечаси Абдулла аканинг қудаси Рустам ота Хондамиров билан узоқ гурунглашдик. Учинчи кечаси, деярли тонггача шоирнинг жигари, фалсафа фанлари номзоди, профессор Абдурайим Эркаев ўз илмий асарлари ҳақида сўзлади. Тўртинчи кеча эса тўлалигича академик Николай Конрад, у кишининг “Ғарб ва Шарқ” асари, академик Иосиф Орбели (шарқшунос, Эрмитаж директори)нинг Алишер Навоий ҳазратлари адабий меросини муҳофаза қилишдаги мардлигига бағишланди. Бешинчи кечада Насриддин ака Муҳаммадиев Насаф ва Кеш алломалари ҳақида ҳикоя қилиб берди.

Давлатимиз ва ҳукуматимиз ўша оғир кунда марҳумнинг оиласига беқиёс ёрдам кўрсатди, шоир тобути солинган самолёт Франкфурт аэропорти орқали келиши керак эди. Самолёт Туркия орқали учгани учун шоир тани бир кечаю бир кундуз олдин Тошкентга, ўзи севган “Дўрмон” боғига келтирилди. Жанозага мамлакатнинг ярми йиғилди. Замонамизнинг забардаст сўз заргари ҳақида самимий гаплар айтилди.

Бир пайтлар шоир “Эл қўлласа, азизим, омон бўлсак, ажабмас” деб ёзган эди. Эл уни қўллади. Хотирасини эъзозлади. Давлатимиз раҳбари шоир рафиқасини орден билан тақдирлади. Буюк шоир эса ҳамон бой улкан ижодий мероси билан буюк келажакнинг муҳташам биносини қуришга, Учинчи Ренессанса, янги Ўзбекистонга хизмат қилмоқда:

Дунё бўлди чаманим маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним!

> **“ШОИР ЛИРИК ҚАҲРАМОНИДА МУСТАМЛАКА ТУЗУМГА НИСБАТАН ТУҒЁН УСТУН БЎЛГАНИ, АЙРИМ ҲОЛЛАРДА УНИНГ ЎЗИНИ ТУРМУШ ТАШВИШЛАРИ ХИЁЛ ҚИЙНАГАНИ УЧУН АБДУЛЛА ОРИПОВНИ ДАВР ЖАБРДИЙДАСИ ДЕБ ҲИСОБЛАШ НУҚТАИ НАЗАРИ ҲАМ БОР. АСЛИДА БУ БАҲО ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТГА ТЎҒРИ КЕЛМАЙДИ.**

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК
МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 1308.
86602 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Мусаҳҳиҳ: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 21:50 Топширилди — 22:45

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz